O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX

http://science.nuu.uz/uzmu.php

Social sciences

Элбек АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Т.ф.д. М.Ҳ.Исамиддинов тақризи асосида

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АМИР, БЕК УНВОНЛАРИ МАСАЛАСИНИНГ ИЛМИЙ АДАБИЁТ ВА ХОРИЖ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Аннотация

Темурийлар даври маънавияти юртимиз тарихидаги зарҳал ҳарфлар билан битилган улкан хазинадир. Бундай маънавий меросларни ўрганиш, уларнинг мислсиз маъноларидан маънавий озуқа олиш, ёш авлодни ҳам бундай маънавий озуқалардан баҳраманд этиб бориш ва шу йўл орқали халқ, миллат, Ватан, жамият тараққиётига ҳисса қўшиш – биз авлодларнинг муқаддас бурчларимиздандир. Амир Темур давлатчилик фаолияти ҳақида сўз юритганда унинг атрофидаги амир ва бек унвонига эга давлат арбоблари ҳақида ҳам фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мақолада темурийлар даврида амир, бек унвонлари масаласининг илмий адабиётларда ёритилиш жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: темурийлар маданияти, темурийлар сулоласи, амир, бек, адолат, “Темур тузуклари”, маънавий мерос.

ОБЗОР ВЫПУСКА ЗВАНИЯ АМИРА И БЕКА В НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ И ИНОСТРАННЫХ ИСТОЧНИКАХ В ТЕМУРЯНСКИЙ ПЕРИОД

Аннотация

Духовность периода Тимуридов - величайшее сокровище в истории нашей страны, написанное золотыми буквами. Священный долг наших поколений - изучать такое духовное наследие, получать духовную пищу из их несравненного смысла, обеспечивать молодое поколение такой духовной пищей и тем самым вносить свой вклад в развитие людей, нации, родины и общества. Говоря о государственной деятельности Амира Темура, целесообразно вспомнить окружающих его государственных деятелей, имеющих титулы амир и бек.

В статье исследуются аспекты освещения вопроса о титулах амир, бек в научной литературе времен Тимуридов.

Ключевые слова: культура Тимуридов, династия Тимуридов, амир, бек, справедливость, «правила Темура», духовное наследие.

REVIEW OF THE ISSUE OF THE TITLE OF AMIR AND BEK IN SCIENTIFIC LITERATURE AND FOREIGN SOURCES IN THE TEMURIYAN PERIOD

Annotation

The spirituality of the Timurid period is a great treasure in the history of our country, written in golden letters. It is the sacred duty of our generations to study such spiritual heritage, to receive spiritual nourishment from their incomparable meanings, to provide the younger generation with such spiritual nourishment and thus to contribute to the development of the people, nation, homeland and society.When talking about the state activity of Amir Temur, it is expedient to think about the statesmen around him who have the titles of amir and bek.

This article examines the aspects of coverage of the issue of the titles of amir, bek in the scientific literature during the Timurids.

Key words: Timurid culture, Timurid dynasty, amir, bek, justice, "Temur's rules", spiritual heritage.

Кириш. Биз – ворислар, маънавий баркамоллик тимсоллари бўлган буюк аждодларимизнинг қолдирган бой маънавий меросларини, ноёб панд-насиҳатларини чуқур ўрганиш, шунингдек, ёш авлодга ўргатиш ҳам фахр, ҳам шарафли бурч деб ўйлаймиз.

Амир Темур – буюк саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби, нотиқ, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган халқимиз фарзанди.

Амир Темурда Ватанни севиш, халқини улуғлаш, улардан фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий маънавий фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темур ўзи барпо этган буюк давлатни миллий ва ахлоқий қадриятларига таяниб идора қилди. Бу эса жамиятни адолат, инсонпарварлик мезонлари асосида бошқаришга, мамлакатда осойишталик, тинчлик, тотувлик сақланиб туришига олиб келди. Темур ўз қўли остидаги раҳбарлардан, саркардалардан ҳам ахлоқли, одобли, адолатли бўлишни талаб қилди. У ўзининг «Тузук»ларида раҳбарларнинг ахлоқли, адолатли бўлиши жамият, давлат ва миллат учун қандай катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб берди.

Соҳибқирон Амир Темур давлат ишини тўғри одилона бошқаришда ақли расо, хушёр кишилар билан бамаслаҳат иш юритган; ишбилармон, тадбиркор, мард, шижоатли, хушёр кишиларни қадрлаган; фуқароларга раҳм – шафқатли бўлган; ёмонлик қилиб, кейин тавба қилганларни кечирган; жасур, шижоатли кишиларни дўст тутган; улуғларни устоз қаторида, кичикларни фарзанд қаторида эъзозлаган; олим-у фозиллар ижодига йўл очиб берган; меҳнатсевар, ҳайр – эҳсонли кишиларни қўллаб – қувватлаган. Шу сабабли темурийлар даврида маданият, маънавият ва иқтисод ривожланган. Буюк саркарда ҳатто ўз фарзандлари ва набираларига халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг маънавий – ахлоқий камолотини давлат барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири деб қарашни васият қилган.

Асосий қисм. Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар сони доимий равишда ошиб бормоқда. Бу сулола тарихига бўлган қизиқишнинг жаҳон бўйича кенгайиб бораётганлиги унинг энг асосий омилидир. Олиб борилган тадқиқотларга умумий назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг катта

қисмини даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига бағишланган ишлар ташкил этади.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишланган тадқиқотлар асосан 3 гуруҳга бўлинган ҳолда ўрганилади. Биринчи гуруҳни хориж тарихшунослигида бажарилган илмий тадқиқотлар, иккинчи гуруҳни Чор Россияси ва совет даврида эълон қилинган асарлар, учинчи гуруҳни мустақиллик йилларида ватамизда нашр қилинган илмий ишлар ташкил этади.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, хориж тарихшунослигида Амир Темур ва темурийлар даврида амир ва бек унвонлари ҳамда ушбу унвонлар соҳибларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни хусусида алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шундай бўлса ҳам ушбу давр тарихига бағишланган тадқиқотларда биз ўрганаётган масала бўйича ҳам баъзи қайдлар учрайди. Биз қуйида ушбу масалага тўхталиб ўтамиз.

Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихининг жаҳонда кенг ўрганилишига француз шарқшунослари ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йирик француз тарихчи олимларидан бирин Бартелеми д’Эрбело ўзининг “Bibliothèque Orientale” (Шарқ кутубхонаси) асарида Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида ҳам сўз юритилган. Муаллиф ўзининг асарида сиёсий ҳаётга ўзининг фаол таъсирини ўтказган амирлар ҳақида ҳам фикрлар билдирган. Мисол учун унинг Амир Темур даврининг йирик амирлари бўлмиш Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин ҳақида мулоҳазаларини олишимиз мумкин. У ўз мулоҳазаларида Амир Темур вафотидан кейинги йилларда бу амирларнинг таъсири ошиб борганлигини ва улар тахт учун курашда шаҳзодаларни қўллаб қувватлаш орқали ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олишга интилганликларини қайд этган[1].

Француз шарқшунослик мактаби ривожини янги босқичга кўтарган муаллифлардан бири Джозеф Де-Гиндир. Унинг “Historie generale des huns, des turcs, des mongols, et des autres tartars occidentaux” (Хунларнинг умумий тарихи...) номли 5 томлик асари жуда катта илмий тадқиқот ҳисобланади. Ушбу асарнинг тўртинчи ва бешинчи томларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид фикр ва мулоҳазалар берилган[2]. Бу муаллиф ҳам Амир Темур вафотидан кейин ва умуман темурийлар даврида амир ва бекларнинг сиёсий ҳаётга таъсири динамик равишда ўсиб борганлигини қайд этган. Бу борада амирлар Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Худойдод Ҳусайний, Бурундуқ барлос, Арғугшоҳ, Оллоҳдод кабиларнинг фаолиятига оид баъзи маълумотларни берилганлигини мисол тариқасида олишимиз мумкин.

Француз шарқшуноси Л. Лянглэнинг асарлари ўз вақтида Россияда ҳам шуҳрат қозонган эди. Унинг асарида Амир Темур фаолиятининг дастлабки йилларида сиёсий ҳаётда амирлар ва бекларнинг таъсири юқори бўлганлигини, Соҳибқирон фаолиятининг юксалиб бориши билан эса уларнинг таъсири пасайиб, марказий ҳокимиятнинг таъсири ошиб борганлиги хусусида мулоҳаза юритишга асос бўладиган кўплаб маълумотлар келтирилган. Лекин шуни қайд этиб ўтиш лозимки, муаллиф бу масалани ўзининг тадқиқот объекти сифатида билмаган ва бу жараёнларни тарихий воқеликнинг баёни жараёнида тасвирлаш билан чекланган[3].

Б.Ф. Манцнинг “Power, Politics and Religion in Timurid Iran”(“ Темурийлар Эронида ҳокимият, сиёсат ва дин”) асарида Амир Темур вафотидан кейин унинг мероси учун бошланган ўзаро курашда талабгорларнинг имкониятларига оид қизиқарли фикр мулоҳазалар учрайди. Унинг фикрича, бошқа муаллифлар қатори Б. Ф. Манц ҳам Халил Султон Амир Темур хазинасини тарқатиш орқали кўплаб тарафдорларга эга бўлганлигини, лекин хазина бўшай бошлагач амирлар ундан воз кеча бошлаганларини таъкидлаган. Халил Султон ҳокимияти ағдарилишининг асосий сабабчиси бўлмиш амир Худойдод Ҳусайнийнинг бош мақсади Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни тахтга чиқариш бўлганлигини қайд этган.

Ҳ. Р. Ромернинг “Темур Эронда” номли тадқиқотида ҳам ушбу масала билан боғлиқ маълумотлар мавжуд[4]. Муаллиф Халил Султоннинг хатолари охир оқибат амир Худойдод Ҳусайний қўлига асир тушишига олиб келганлигини таъкидлаган яъни амирларнинг ўз ҳукмдорларидан устун мавқега чиқа бошлаганлигини кўрсатган[5].

Туркиялик темуршунос Исмоил Аканинг “Timur ve Devleti” (“Темур ва давлати”) асарида Амир Темур даври амирлари фаолиятига оид тарихий воқеалар ҳам тадқиқ этилган. Муаллиф амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин Хитой юришини давом эттириш тарафдори бўлганлигига қарамай, Мирзо Султон Ҳусайн томонидан Самарқанд тахтини эгаллаш учун ҳаракат бошлаганлиги натижасида Тошкентда турган амирлар ҳам ҳокимият учун кураш бошлаб, Халил Султонни ҳукмдор, деб эълон қилганликларини таъкидлайди. Шунингдек, у Мирзо Пир Муҳаммаднинг ўз амири Пир Али Тоз томонидан ўлдирилишига Халил Султон алоқадор, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича Халил Султон фақат Самарқанд мудофааси билан чекланиб қолаётганлиги, амирлар Худойдод Ҳусайний ва Шайх Нуриддинларга қарши курашларда етарли натижаларга эришилмаганлиги унинг обрўсини туширган. Амирлар Шайх Нуриддин ва Худойдод Ҳусайний Мирзо Шоҳрухга Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олишни таклиф қилганлар.

Али Ризо Ёғлининг амир Худойдод Ҳусайний тарихига бағишланган мақоласида ҳам 1405–1409 йилларда Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар ҳақида сўз юритилган. Унда муаллиф ушбу даврда юз берган тарихий воқеаларнинг фаол иштирокчиси амир Худойдод Ҳусайний фаолиятидан келиб чиқиб, ўз фикр мулоҳазаларини билдирган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар. Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ўрганилишида катта ютуқларга эришилди[6].

Мустақиллик йилларида яратилган дастлабки фундаментал асарлардан бири “Темур ва Улуғбек даври тарихи” асари бўлиб, унда Мирзо Улуғбек даврида амирларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам қиўзиқарли маълумотлар берилган[7].

“Амир Темур жаҳон тарихида” асари эса уч марта қайта нашр этилган йирик тадқиқотлардан биридир. Унда Амир Темур давлатида амирларнинг тутган мавқеи ҳақида, яъни давлат бошқарувида уларнинг ўрни ва вазифаси ҳақида қизиқарли маълумотлар бор[8].

Б. Аҳмедовнинг “Улуғбек” тарихий эссесида Амир Темур вафоти арафасидан ва ундан кейинги тарихий жараёнларда амирларнинг қандай мавқега эга бўлганлиги хусусида қизиқарли маълумотлар учрайди. Муаллифнинг “Тарихдан сабоқлар” тўпламига киритилган “Мирзо Улуғбек” рисоласида ҳам амирларнинг Мирзо Улуғбек давридаги таъсир доираси хусусида фикр мулоҳазалар қайд этилган[9].

А. Муҳаммаджоновнинг “Темур ва Темурийлар салтанати” рисоласи бутун салтанат тарихини ўзига қамраб олган асардир. Унинг фикрича, Амир Темур вафотидан кейин айрим амирлар салтанатнинг баъзи ҳудудларини қўлга киритиб олганлар ва уни амалда мустақил бошқарганлар. Фарғона ва Ўратепа амир

Худойдод Ҳусайний, Туркистон, Ўтрор, Сайрам, Саброн амир Бердибек ихтиёрида бўлган[10].

Мустақиллик йилларида темурийлар сулоласининг йирик вакиларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарихини ўрганиш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Бу борада катта меҳнат қилган олимлардан бири С.Жалиловдир. Унинг ўз бир қатор асарларида Фарғона водийсининг Мирзо Умаршайх ва Мирзо Бобур давридаги тарихи ёритилган[11]. Муаллиф Темурийлар салнатидаги сиёсий инқирознинг келиб чиқиш сабабларини фарғона водийси мисолида кўрмсатиб беришга ҳаракат қилган ва бунга эриша олган. Темурийлар давлатининг инқирозини келиб чиқишида ҳукмдорларга бўйсунишни истамай, ҳатто уларни ўзларига бўйсундириб олган амирлар ва бекларнинг катта ўрни борлиги асослаб берилган.

Т. Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” асари сулола вакилларининг тарихига бағишланган бўлиб, уларнинг тарихини ёзиш жараёнида муаллиф баъзи шаҳзодалар ўз амирлари таъсирига тушиб қолганлиги, баъзилари эса уларнинг қўлида қўғирчоққа айланганлигига ҳам эътибор қаратган[12]. Султон Аҳмад Танбалнинг таъсирида бўлган Мирзо Жаҳонгир[12], Амир Узун Ҳасаннинг Фарғонада ҳокимиятни эгаллаб олганлиги[12], Амир Хусравшоҳнинг Мирзо Султон Маҳмуднинг бир неча ўғиллари даврида ҳокимиятни амалда ўзи бошқарганлиги ва кейинчалик уларни қатл этганлиги[12] каби маълумотларнинг келтирилиши, бу амирларнинг таъсири давлат ҳаётида жуда ўсиб кетганлигини кўрсатар эди.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг тадқиқотчиларидан бири Ш. Ўлжаева томонидан нашр этилган “Амир Темур давлат бошқаруви” ва “Амир Темур дипломатияси” монографияларида Темурийлар салтанатининг бошқарув тизими ва дипломатияси ёритилган[13]. Ушбу асарларда салтанатнинг бошқарув тизимида ва дипломатиясида амирлар ва беклар қай даражада иштирок этганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди.

Ҳ. Дадабоевнинг “Амир Темур даврдошлари” (мўъжаз энциклопедия) асарида фаолияти 1405-1409 йилларда Мовароуннаҳрдаги тарихий воқеаларга дахлдор бўлган тарихий шахслар, жумладан амирлар ва беклар ҳақида жуда кўплаб маълумотлар мавжуд.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, тарихшунослик тадқиқи шуни кўрсатиб бердики, Амир Темур ва темурийлар даври амир ва бек унвонилари хусусида, ушбу унвон соҳибларини жамиятдаги ўрни ва уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга таъсири тўғрисида яхлит илмий тадқиқот олиб борилмаган.

АДАБИЁТЛАР

1. D’herbelot. Bibliothèque Orientale. M. DC. XCVII. – Paris, 1697. – P. 884.
2. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир китоблар коллекциясининг биринчи нашрида асарнинг русча таржимаси “Общей истории Хуннов” деб берилган. Қаранг: Коллекция редких книг национальной библиотеки Узбекистана. – С. 8.
3. Лянглэ Л. Жизнь Тимура // Лянглэ Л. Соч. / пер. с фр. Н. Суворов. – Т., 1890.
4. Roemer H. R. Timur in Iran // The Cambridge histore of Iran. Vol. 6. The Timurid and Safavid periods, ed. Peter Jackson and Laurence Lockhart. Cambridge: Cambridge University Press, 1986 (Roemer H. R. Timur in Iran). – P. 100–101.
5. Ўша асар. – P. 100–101.
6. Темур ва Улуғбек даври тарихи / Бош муҳаррир академик А. Асқаров – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996 (Темур ва Улуғбек даври тарихи.). – 265 б; Амир Темур жаҳон тарихида / Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар). – Т. : Шарқ, 1996. – 296 б; Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001 (Амир Темур жаҳон тарихида.). – 304 б; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / Отв. Редакторы:: Э. В. Ртveладзе, Д. А. Алимова. – Т.: Фан, 2017 (История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов.). – 568 с.
7. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 89.
8. Амир Темур жаҳон тарихида. – Б. 130.
9. Аҳмедов Б. Мирзо Улуғбек. // Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.: Ўқитувчи, 1993 (Тарихдан сабоқлар.). – Б. 109–111.
10. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати.– Б. 64.
11. Жалилов С. Бобур ва Андижон – Т.:Ўзбекистон, 1993. – 102 б; ўша муаллиф. Бобурнинг Фарғона давлати – Т.: Фан, 1995. – 144 б; ўша муаллиф. Бобур ва Юлий Цезарь – Т.: Янги аср авлоди, 2001; ўша муаллиф. Бобур ҳақида ўйлар – Т.: Шарқ, 2006. – 112 б; ўша муаллиф. XV – XVI аср бошларида Андижонда маданий ва маънавий муҳит – Т., 2009.
12. Файзиев Т. Темурийлар шажараси – Т.: Ёзувчи, Хазина, 1995– 350 б.
13. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви – Т.: Академия, 2017. – 248 б; ўша муаллиф. Амир Темур дипломатияси – Т.: IJOD PRESS, – 156 б.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК:

Шерзод ЗИЁЕВ,
ЎзР Фанлар академияси
Миллий археология маркази кичик илмий ходими
E-mail: sherzoduz@mail.ru

ЎзР ФА профессори т.ф.д. Ғ.Бобоёров тақризи асосида

HISTORY OF POLITICAL RELATIONS BETWEEN CENTRAL ASIAN STATES AND THE EUROPEAN UNION

Abstract

This article examines the formation and development of political and diplomatic relations between the states of Central Asia and the European Union from a historical point of view. As a result of a review of the published works of local and foreign scientists on this topic and an analysis of existing views, the author draws important analytical conclusions.

Key words: Central Asian states, European Union, Kazakhstan, Kyrgyz Republic, Tajikistan, Turkmenistan, Uzbekistan, political links, historiography, approaches, regional and global factors.

ИСТОРИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ - ЕВРОПЕЙСКИЙ СОЮЗ

Аннотация

В статье рассматривается формирование и развитие политико-дипломатических отношений между государствами Центральной Азии и Европейским Союзом с исторической точки зрения. В результате обзора опубликованных работ местных и зарубежных ученых по данной теме и анализа существующих взглядов на эту тему автор делает важные аналитические выводы.

Ключевые слова: Страны Центральной Азии, Европейский Союз, Казахстан, Киргизская Республика, Таджикистан, Туркменистан, Узбекистан, политические отношения, историография, подходы, региональные и глобальные факторы

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Аннотация

Мазкур мақолада Марказий Осиё давлатлари – Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасидаги ўзаро сиёсий ва дипломатик алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Мавзуга доир нашр этилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларини кўздан кечириш ва бу борада мавжуд қарашларни таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан муҳим таҳлилий хулосалар билдирилади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё давлатлари, Европа Иттифоқи, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, сиёсий алоқалар, тарихшунослик, ёндашувлар, минтақавий ва глобал омиллар

Кириш. Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи (ЕИ) ўзаро сиёсий алоқаларига доир қарийб 30 йиллик бир давр ичида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Бу мавзудаги илмий ишларни йўналиш ва мазмунидан, ҳатто амалга оширилган минтақасидан келиб чиқиб турли гуруҳларга ажратиш мумкин., бу масалада бажарилган илмий ишларнинг улуши кўпроқ Ғарб мамлакатларига тўғри келади. Улар орасида айниқса европалик минтақашунос ва тарихчиларнинг изланишлари ўзининг кўламига кўра алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, МДҲ давлатларида, хусусан, Марказий Осиё республикаларида ҳам бу соҳада бир қатор мутахассислар етишиб чиққан.

Айнан мавзуга доир очиқ расмий нашрлар дастлаб халқаро ташкилотлар лойиҳа натижасидан иборат ҳисобот материали шаклида оммалаштирилган эди. Ғарб мамлакатлари илмий доираларида ЕИ ва Марказий Осиё алоқалари масаласига бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу соҳада бир қатор ғарблик экспертлар етишиб чиққан. Улар минтақани умумий жиҳатдан ўрганади ва геосиёсий нуқтаи назаридан ёндашиб, бу масалада Ғарб давлатлари позициясини аниқ намоён қилади. Ғарблик марказий осиёшунос мутахассислар ЕИ глобал сиёсати ва Марказий Осиё билан ўзаро алоқалар бўйича таҳлиллар қилган бўлиб, улар орасида П. Жонас, Н. Мелвин, М. Эмерсон, Й. Бонстра, С. Пейрози, М. Эрика, Б. Ярабик, Д. Киммейж, М. Денисон, М. Халл, М. Фумагалли кабиларнинг ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ўзаро муносабатларининг бугунги ҳолати бўйича ижобий ва салбий фикрлар билдирилган [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Марказий Осиё – ЕИ сиёсий муносабатларини атрофлича ўрганган дастлабки Ғарб тадқиқотчилар орасида ЕИнинг Марказий Осиёдаги стратегиясининг амалга татбиқ этилиши юзасидан атрофлича таҳлил олиб борган мутахассислардан бири Н. Мелвин ўзининг раҳбарлигида ёзилган “Марказий Осиёга кириб бориш. ЕИнинг Евросиё юрагидаги янги стратегияси” номли монографиясида минтақада Иттифоқ мамлакатлар ички хусусиятларини инобатга олиб оқилона йўл тутиши кераклиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўллари, ислоҳотларга йўналтирилганлик ва унда давлатнинг ўрни юқорилигини ҳисобга олиш кераклигини ёзади [1]. Мелвин ЕИнинг минтақадаги сиёсати билан боғлиқ айрим салбий ҳолатларни ҳам айтиб ўтади. Унинг ёзишича: “Агар Қозоғистон минтақавий етакчилик учун кўзга кўринарли номзод ва ЕИ учун энг ишончли ҳамкор бўлса – бунга сабаб Ўзбекистоннинг муваффақиятсизлигидир. Қайсики, Ўзбекистон минтақавий лидерлик учун янада қудратлироқ кучга эга. Чунончи, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий инфратузилмасининг хилма-хиллиги ва инсон ресурслари жиҳатидан катта салоҳиятга эга. Афсуски, Ўзбекистон И. Каримов очиқ ислоҳотларга қаршилиги тизимли ижтимоий инқирозни келтириб чиқарди ва шов-шувли равишда босимлар остида қолди”. Ғарблик тадқиқотчи П.

Жонас ЕИ ташқи сиёсат маҳкамаларининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, Иттифоқнинг бошқа минтақалар билан ўзаро кўп томонлама алоқаларидаги принциплар ва устувор манфаатларни юзага чиқаришда институционал даражадаги ўзгаришларга доир ўз муносабатини билдиради. Хусусан, у ЕИ Конституцияси лойиҳаси ва ундаги ташқи сиёсатни белгиловчи органлар ўз функцияларини қанчалик бажара олиш эҳтимоли ва заруратини таҳлил қилиб, “ЕИнинг ташқи сиёсат бўйича Олий Комиссари Европа Комиссияси Президенти ва Европа Кенгаши Президенти билан муносабатлари тенг даражада бўлиши, улар ўртасида Иттифоқнинг ташқи сиёсий вакиллигини амалга оширишда “Янгича учлик”ни юзага келтиради ва бу халқаро миқёсда янги имкониятларни яратади. Шу билан бирга, ҳар 6 ойда ротация қилинувчи аъзо мамлакатларнинг Иттифоқдаги президентлиги умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатини мавҳумлаштиради ва мунтазамлигини кафолатламайди” деган фикрларида жон бор, бироқ бизнингча, ЕИда ташқи сиёсат бўйича институционал ўзгаришлар охирига етмагунча Марказий Осиё давлатлар каби янги мустақил бўлган мамлакатлар ҳам икки, ҳам кўп томонлама муносабатларни мувозанат сақлаган ҳолда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

ЕИнинг трансмиллий қудрати борасида тадқиқот олиб борган европалик мутахассис Ф. Боссуйт [2] ўз илмий ишларидан бирида Иттифоқнинг минтақага таъсирини сифат таҳлили услубига асосланган ҳолда амалга ошириб қуйидаги фаразни илгари суради: “Моҳиятан ЕИ халқаро ташкилот сифатида худди давлатга ўхшаш тузилма каби супрамиллий ва ҳукуматлараро гибрид тизим орқали фаолият олиб боради. ЕИнинг аъзо давлатларининг учинчи мамлакатлар билан икки томонлама алоқалари ташқарида қолади”. Тадқиқотчига кўра, ЕИ умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати доирасида учинчи мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини қуради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бизнингча, ЕИнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари кўптомонлама форматда муайян шартномалар ёки глобал ривожланишга қаратилган лойиҳалар билан чекланади. Яъни давлатлар сингари тўғридан-тўғри таъсирга эга бўлмайди. Шунинг учун Европа Иттифоқи БМТ каби халқаро ташкилотларга хос мавқеда кенг қабул қилинади.

Мавзуга доир минтақа ва МДҲ олимларининг ишлари ҳам талайгина бўлиб, Марказий Осиё халқаро муносабатлари ва европашунослик бўйича ўзига хос мактаб шаклланишига ҳисса қўшган Д. Раҳимбоева, С. Шарапова [3], Ш. Абдуллаев, С. Сафоев, Ф.Толипов, Р. Фармонов, А. Қирғизбоев, Р. Алимов, Ҳ. Юнусов, Ф. Исматуллаев, Г. Мўминова [4], Ч. Кўчаров, Э. Нуриддинов, У. Хасанов, М. Рахимов [5], В. Парамонов, З. Камалова [6], Ф. Ўсарова, Ш. Раҳмонов кабилар минтақадаги сиёсий жараёнларга доир кўплаб устувор фикрлар айтиб ўтганлар. Мамлакатимизда европашунослик ва ЕИ билан сиёсий алоқаларга доир амалга оширилган илк тадқиқотлар У. Ускенбаев, Г. Мўминова, А. Гегашидзеларга оиддир. Ушбу муаллифларнинг изланишлари асосан 2000 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, масалага умумий ёндашилганлиги билан ажралиб туради [7]. Юқоридагилар орасида айниқса, европашунос олим Ҳ. Юнусовнинг кенг қамровли тадқиқотларини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Негаки, биз Марказий Осиё – ЕИ ўзаро муносабатларини ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Олим Ўзбекистон – ЕИ ўзаро ҳуқуқий муносабатлари, шунингдек, ЕИ ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари, Марказий Осиё билан алоқаларининг долзарб масалалари бўйича ўз қарашларини билдириб ўтади. Тадқиқотчининг “Европа Иттифоқи ҳуқуқи” номли ўзбек тилида яратилган илк дарслик китобида бу масалалар атрофлича кўриб чиқилган [8]. Ушбу китобда муаллиф ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари алоқаларининг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилар экан, ҳамкорлик борасидаги ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб берган. Унга кўра, “Давлат ёки давлатларни ва ҳукумат ёки ҳукуматларни тан олиш халқаро ҳуқуқнинг энг нозик масаласидир. Чунки давлатлар халқаро ҳуқуқнинг бирламчи асосий субъектлари саналади. Ҳукуматларни тан олиш эса, амалда ҳукуматлар томонидан ташкил этилаётган давлат бошқаруви ва сиёсий тузумни тан олиш ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқдир”[1]. Буни биз Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар, гарчи мамлакатлар ичидаги ички масала деб кўрилса-да, ЕИ каби халқаро ҳуқуқ принципларини амалга татбиқ этувчи ташкилотлардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари масаласида Туркманистон ва Ўзбекистонга у ёки бу даражада муносабат билдиргани маълум асосга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ҳ. Юнусов Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳуқуқий муносабатларига доир кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширган бўлиб, минтақавий интеграциялашувнинг ЕИ моделини тарғиб қилиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорлик бўйича таклифлар бериб келади. Тадқиқотчи кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар орасида ўзаро тажриба алмашиш, қонунчиликни унификациялашга алоҳида урғу қаратади[2]. Тадқиқотчига кўра, ЕИ 1980- йилларнинг охиридан бошлаб 90-йилларнинг ўрталарига қадар МДҲ давлатлари, улар ичида, айниқса, Марказий Осиё давлатларига иқтисодни тиклаш ва соғломлаштиришга кўмаклашиш учун беғараз ёрдамни асосий донор сифатида кўрсатган. Иттифоқнинг ёрдами ТАСИС дастурига кирган бир неча соҳалар, хусусан, техник кўмак, инсонпарварлик ёрдами ва демократияни ривожлантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини қўллаб-қувватлашни устувор деб билган ва секин-аста ўзаро ҳамкорликни савдо айирбошлаш механизми билан алмаштиришни мақсад қилиб қўйган[3]. Биз бунинг кейинги тарихий жараёнларда Марказий Осиё мамлакатлари билан шериклик ва ҳамкорлик, савдо ва ҳамкорлик (Туркманистон билан), тараққиёт йўлида ҳамкорлик, қўшничилик сиёсати воситасида давом эттирганини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, Ч. Кўчаров минтақавий интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича бир неча назария ва таклифларни илгари суради. Тадқиқотчига кўра, Марказий Осиёнинг минтақавий интеграциялашуви глобал даражадаги савдо-инвестицион алоқаларнинг ривожланиш йўналишига боғлиқ. Ноанъанавий шериклар билан иқтисодий савдо алоқаларининг ривожи давлатнинг жаҳон бозоридаги улушининг кўпайишига сабаб бўлиб, мамлакатни иқтисодий қадриятлар пиллапоясидан юқорига қараб силжитмоқда. ЕИ тажрибасидан маълумки, бундай ўзгаришлар ташқи савдо фаолиятини реориентациясига олиб келади[4].

Ф.Исматуллаев Ўзбекистон ва ЕИ алоқаларининг ривожланиш босқичларини ўрганган бўлиб, тадқиқотчи таълим соҳасида томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларга катта эътибор қаратган[5].

Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари бўйича кўп йиллардан бери изчил изланишлар олиб бораётган М. Рахимов ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари орасидаги ўзаро муносабатларга махсус тўхталиб, минтақадаги барқарор тараққиёт нуқтаи назаридан халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ролини таҳлил қилади[6]. В. Парамоновнинг изланишларида эса Евросиё ва Марказий

Осиёга доир тадқиқотлар тарихшунослиги, манбалар таҳлили алоҳида ўрин олган. Шунингдек, 2018 йилда йилда ёзилган “Марказий Осиёда Европа омили”[7] коллектив монографияда ушбу муаллиф томонидан ЕИнинг минтақадаги роли турли соҳалар (иқтисод, сиёсат, хавфсизлик) ва минтақа давлатлари бўйича алоҳида таҳлил юритилган. Мазкур иш Марказий Осиё кўп томонлама дипломатия тарихида минтақа тараққиётига ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик омилларини комлекс кўриб чиқишга асосланган методология умумлаштирувчилик характери билан реал манзарани тасаввур қилишга ёрдам беради.

Мақолада кўтарилган муаммога доир асосий адабиётлардаги энг зарур деб билинган жиҳатлар шулардан иборат.

-Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Биз мазкур мақолада томонлар ўртасидаги ўзаро сиёсий алоқалар тарихини ўрганишда тарихшунослик таҳлили, тизимли таҳлил, кейс стади каби услублар ва фанлараро ёндашувни қўллаймиз. Хусусан, Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги ташқи сиёсати ва дипломатияси мавзуларида илк тадқиқотларни амалга оширган олимлардан Г. Ҳидоятов, С. Шарапова, Д. Раҳимбаева, С. Сафоев, Қ. Жўраев, С. Жўраев, И. Мавлонов, А. Файзуллаев, Ф. Жўраев, А. Шарапов, С. Таджиев, С. Пўлатова кабиларнинг ишларини қамраб олган ҳолда, бу ишларда Ўзбекистон дипломатиясининг айрим қирраларини ҳамда замонавий дипломатиянинг “иқтисодий дипломатия”, “парламент дипломатияси”, “оммавий дипломатия”, “рақамли дипломатия” ва “халқ дипломатияси”, “юмшоқ куч” каби тушунчалар орқали Ўзбекистон нуқтаи назаридан у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Биз мазкур тадқиқотлардан унумли фойдаланган ҳолда минтақалар ўртасидаги сиёсий ришталар моҳиятини яхлит тушунишимиз учун масалага фанлараро нуқтаи назардан ёндашмоқдамиз. Мисол учун, маданият ҳодисаси ва демократлаштириш жараёнлари пост-Совет Марказий Осиёда сиёсий ислоҳотларнинг амалга ошишида муҳим фактор эканлигини айнан қатор ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, сиёсатшунслик, маданиятшунослик бўйича қилинган илмий тадқиқотлар натижаларини хулосалашда жалб этдик. Шунингдек, Ўзбекистонда ташқи сиёсат ва дипломатик муносабатлар бўйича қатор илмий, оммабоп асарлар, таҳлилий мақолалар орасида “Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи” ҳамда Р. Фармонов ва Қ. Жўраев ҳаммуаллифлигидаги “Халқаро муносабатлар тарихи” китобларида ташқи сиёсат, дастлабки дипломат кадрлар, уларнинг фаолияти мисолида суҳбат, оғзаки тарих, шахсий кузатув каби услублар ҳам мавзуни амалий жиҳатдан тушунишда қўл келади, деган фикрни илгари сурамиз. Демак, юқорида қайд этилган услублар шуниси билан аҳамиятлики, улар орқали томонлараро сиёсий алоқалар тўғрисида дастлабки маълумотларнинг оммалашгани ва кенг аҳоли, жамоатчилик вакиллари орасида тасаввур мавжудлиги, қолаверса, давлатлараро муносабатлар ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришларга таъсирга кўрсатишига ишонч ҳосил қиламиз.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Марказий Осиё давлатларининг ЕИ билан кўп томонлама сиёсий алоқаларини ёритишга бағишланган қатор илмий, оммабоп ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзаро муносабатлар турли тарихий вазиятдаги шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган. Бу ҳам ЕИ аъзо мамлакатларидаги устун манфаатлар, эҳтиёжлар ва қадриятлар ҳамда минтақа ўлкаларидаги ички сиёсий муҳит, сиёсий маданият, танланган тараққиёт йўли ёки ҳатто айрим давлатлардаги ўзига хос детерминант ҳолатлар (масалан Ўзбекистон ва Туркманистон кабилардаги сиёсий турғунлик) билан изоҳланиши мумкин. Бироқ, минтақанинг дунёга очилиши, бизнингча Ўзбекистондаги 2016-2017 йиллардан буён кузатилаётган ҳақиқий очиқ демократик ислоҳотлар ва Евросиёдаги Хитой омилининг кучайиши билан минтақанинг ЕИ билан ўзаро кўп томонлама муносабатлари жадаллашди. Жумладан, Иттифоқнинг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси 2019 йил май ойида қабул қилинди.

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Марказий Осиё мамлакатларида мустақилликнинг қўлга киритилиши ва халқаро миқёсда эътироф этилишида Ғарб мамлакатлари – АҚШ, ЕИ аъзо мамлакатлари, шунингдек Иттифоқнинг ўзи халқаро ташкилот сифатида муҳим роль ўйнади. Дастлаб, дипломатик тан олиш ва очиқ бозор механизмларини ҳаётга татбиқ этишда ЕИ томонидан ТАСИС, БОМКА, КАДАП, ТРАСЕКА каби минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқилди. Охирги ўн йилликларда эса суд-ҳуқуқ ва адлия, таълим тизимларни ислоҳ қилишда эса амалий лойиҳалар минтақа мамлакатларининг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувини тезлаштирмоқда. Бу ҳақда, нафақат олимлар, балки ОАВ орқали оммалашмоқда. Минтақалараро сиёсий алоқалар эволюцияси бир хил кечмади. Ҳозирги босқичда ва яқин келгусида ЕИда ташқи сиёсат бўйича институционал ўзгаришлар охирига етмагунча Марказий Осиё давлатлари учун Иттифоқ билан ҳам икки, ҳам кўп томонлама муносабатларни мувозанатни сақлаган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ, деган фикрни илгари сурамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Yunusov X. Yevropa Ittifoqi huquqi... B. 609.
2. Юнусов Ҳ. Ўзбекистон ва ТАСИС // Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, №1, 2003. – Б. 13.
3. Юнусов Ҳ. Ўзбекистон ва ТАСИС // Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, №1, 2003. – Б. 15.
4. Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари ... Б. 112.
5. Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991-2005 йиллар).: Тарих фан ном… дисс. Автореф. - Т.: ЎзМУ, 2011. – 30 б.
6. Рахимов. М. и др. История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Отв. ред. Р. Абдуллаев, Д. Алимова. Изд. “Библиотека АН РУз”. Т. 2011. – 170 с.
7. Парамонов В.В., Строков А.В., Абдуганива З.А.. Влияние Европейского Союза на Центральную Азию: обзор, анализ и прогноз. Под общей редакцией и руководством В.В. Парамонова. – Алматы: Фонд им. Фридриха Эберта, 2017 год. – 117 с.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX

http://science.nuu.uz/uzmu.php

Social sciences

УДК:323/328.181:366.54(575.1)

Абдуғаппор ИНСОПОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доцент в.б.
E-mail: Almaz_gold@mail.ru

ЎзМУ профессори, т.ф.д. Р.Муртазаева тақризи асосида

EXPERIENCE AND PRACTICE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

Abstract

In the article, the author analyzes the role of non-governmental organizations in the formation of civil society, the experience of foreign countries in the development of non-governmental organizations. The article is based on the experience of foreign countries such as the USA, France, Sweden, Germany, Japan, Russia, Korea and others, and also explores the history and stages of development of non-governmental organizations in these countries.

Key words: on-state, democracy, non-profit, public associations, organization, foundation, Johns Hopkins, social partnership, civil society.

ОПЫТ И ПРАКТИКА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В РАЗВИТИИ НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В статье автор анализирует роль неправительственных организаций в формировании гражданского общества, опыт зарубежных стран в развитии неправительственных организаций. Статья основана на опыте зарубежных стран, таких как США, Франция, Швеция, Германия, Япония, Россия, Корея и других, а также исследует историю и этапы развития неправительственных организаций в этих странах.

Ключевые слова: негосударственных, демократия, некоммерческих, общественные объединения, организация, фонд, Джона Хопкинс, социальном партнерстве, гражданского общества.

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА АМАЛИЁТИ

Аннотация

Мақолада муаллиф нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамиятни шакллантиришдаги ўрни, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганади. Мақолада АҚШ, Франция, Швеция, Германия, Япония, Россия, Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг тарихи ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: нодавлат, демократия, нотижорат, жамоат бирлашмалари, ташкилот. Фонд, Джона Хопкинс, ижтимоий шериклик, фуқаролик жамияти.

Кириш. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими жадаллик билан ривожланиб, уларнинг сони кун сайин ортиб, сифат даражаси ва ихтисосликлари кенгайиб бормоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланган демократик давлатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш билан бирга давлат ва тижорат тузилмаларининг шериги сифатида баҳоланмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд жамиятдаги барча муаммо ва инсонларни манфаатларини қамраб олгандагина, ўзининг функционал вазифаларини бажаради ва мақсадига эриша олади. Бугунги кунда турлича бўлган манфаатлар жамиятда мавжуддир. Буларга экологик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий, маънавий-маданий, диний, ҳуқуқий, мафкуравий ва бошқа манфаатларни киритиш мумкин. Ушбу манфаатларни ҳимоя қилишда тегишли гуруҳлар шаклланади ва бу манфаатлар бўйича иш олиб боради. Бунда албатта нодавлат нотижорат ташкилотларига эҳтиёж сезилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланишида жаҳон амалиётида жуда катта тажриба шаклланган бўлиб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шаклланишида уларнинг иштирокисиз бу жараённи амалга оширилмаслиги ўз тасдиғини топган.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўтган асрнинг ўрталарида жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва демократияни қарор топтиришда нодавлат ва нотижорат ташкилотлар энг асосий механизмга айланди. Шу сабабли нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, уларнинг асосий фаолиятларини чуқурроқ тушуниб етиш, уларнинг демократиянинг асосий бўғини сифатидаги ўрнини таҳлил қилишга жуда катта эҳтиёж туғилди.

Бундан ташқари, бу ташкилотлар ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодиётнинг учинчи сектори сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда учинчи сектор назариясига тўҳталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Француз тарихчиси ва давлат арбоби Алексис де Токвиль айнан шу ғоянинг асосчиси ҳисобланади. У 1831 йилда Америкага қилган саёҳати давомида америкаликлар ўзларини муаммоларини ҳал қилиш учун турли хилдаги ихтиёрий бирлашмаларга бирлашганликларини қайд этади.

Аҳоли томонидан ҳукумат муаммоларини ҳал қилиб беришини кутиб ўтирмасдан бир бирларига суяниб муаммоларни ҳал қилишларини кўриб ўзини ҳайратини яширмаганлигини ёзади. Бунинг сабаби ўша даврда ҳукумат анча узоқда бўлганлиги учун муаммоларни ҳал қилишда бирлашишдан бошқа имкон қолмаганди. Де

Токвиль Америкадаги мавжуд демократияни таҳлил қилар экан, жамият давлатнинг ўзи (биринчи сектор), шахсий манфаатлар ва иқтисодий фаолият (тижорат, яъни иккинчи сектор) ва сиёсий бирлашмалар, партиялар, фуқаролик бирлашмалари, диний, илмий, касбий (нодавлат яъни учинчи сектор) бўлинишини таъкидлаб ўтади [1].

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ҳозирда аҳолини турли қатламларини қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Шу муносабат билан дунёнинг етакчи, ривожланган мамлакатларида асосан ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти амалиётини тарихийлик тамойили асосида ҳолисона таҳлил қилиш ва амалий натижалардан фойдаланиш долзарбдир.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асносида бугунги қадар нодавлат нотижорат ташкилотларнинг турлича кўринишда фаолият олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Америка Қўшма Штатларида 1967 йилда 309 мингдан ортиқ нодавлат ташкилотлар фаолият юритди. Бундан кўриниб тарибдики, АҚШда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ташкилотларнинг фаолияти анча кенгайиб борди. Бу кўрсатгич доимий равишда ошиб бориб, 1997 йилга келиб уларнинг сони икки миллиондан ортиқни ташкил этди. Иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 13,4% га яқини шу соҳага жалб қилинган эди (6,4 млн. кўнгиллиларни ҳисобга олмаганда, даромадсиз ташкилотларда ишлаётганларнинг мутлақ сони 9,3 млн. кишини ташкил этди). Нотижорат секторнинг иқтисодиётдаги роли ҳақидаги тасаввурни унинг миллий даромаддаги улуши ҳам беради, яъни 1990 йилда АҚШда даромадсиз сектор улуши ялпи даромаднинг 6,8% га яқинини ташкил этди, бу кўрсаткич 1985 йилдагидан 1,5 баравар юқори эди[2]. Бу келтирилган маълумотлар тарихига эътибор қаратилса, АҚШда XX асрнинг биринчи ярмида, даставвал йирик корпорациялар ва фирмалар томонидан ташкил қилинган илк хайрия ташкилотлари пайдо бўлганлигини кўриш мумкин[3]. Бу нодавлат нотижорат тузилмаларни пайдо бўлганлигидан дарак берарди.

Бундан ташқари, АҚШда сўнгги йилларда жамиятнинг барча соҳаларида нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатларда маълум даражада ўзгаришлар рўй бермоқда. Фуқароларда партияга нисбатан интилишга нисбатан бу каби ташкилотларга ишонч руҳи кескин ошиб бормоқда. Бугунги келиб АҚШда 2 млндан [4] зиёд нодавлат нотижорат ташкилот фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ташкилотлар АҚШ иқтисодиёти жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Америкалик олим, Жонс Хопкинс университети фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази директори, профессор Лестер Саламоннинг таъкидлашича, “америкаликлар ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари хизмат кўрсатиш, қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя ва алоҳида манфаатлар ҳимояси, жамиятни жипслаштириш вазифаларини бажаришини” қайд этиб ўтади[5].

Германияда эса нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида қарийб 600000 мингта нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтган ва фаолият юритиб келади. Ундан спорт соҳасида 38%, ижтимоий соҳада 13%, маданий соҳада, 12 %, сиёсий соҳада 10%, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласида 8 %, атроф муҳит муҳофазасида 1 %, анъаналар ва қадриятларни сақлаш, бўш вақтларни мазмунли ташкил этиш масаласида 18 % ни ташкил этади[6]. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти бўйича Германия тажрибаси муҳимлиги билан ажралиб туради. Унга кўра, Германияда район бюджетлари районда фаол бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг вакиллари билан биргаликда муҳокама қилинади[7]. Бу ўз навбатида биринчидан нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожланишини талаб қилса, иккинчидан, давлат ва халқ ўртасидаги мавжуд муаммоларнинг ечимида ўзига демократик тамойилларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Германияда нодавлат сектор муҳим иқтисодий кучга эга ҳисобланади. Масалан, 1995 йилда Германияда 94,4 млрд доллар ёки давлатнинг ялпи ички маҳсулотининг 3,9 %ни айнан шу сектор ҳисобига тўғри келишини кўриш мумкин. Германияда немис аҳолисининг қарийб 20% ихтиёрий равишда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этишади[8].

Швеция асосан ижтимоий йўналтирилган давлат бўлиб, бу унинг кучли ва мафкуравий фаол касаба уюшмалари ҳаракатининг мавжудлигида намоён бўлади. Швеция тажрибасига кўра, давлат ва фуқаролик жамияти ўз эътиборини асосан аҳолининг ижтимоий муаммоларига қаратади[9]. Швецияда давлатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш асосан давлат буюртмаси орқали амалга оширилади. Бу анча оммалашган шакл бўлиб, давлат буюртмалари асосан нодавлат ташкилотлар томонидан бажарилади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳизматларни (таълим, болалар таълими, уй ёрдами ва ҳоказолар...) бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлар доимий равишда тендерларда иштирок этади.

Франция тажрибаси эса шуни кўрсатадики, давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳукумат сиёсатини амалга оширишга кенг жалб қилинади. Бунда асосан вазирлик ва давлат идораларининг турли бўғинларида ташкил этилган махсус кенгашлар фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорликда фаолият юритади. Францияда 1970 йилда 20 мингта нодавлат ташкилотлар фаолият юритган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсатгич 800 мингдан ошганлигини кўрсатади [10]. Бу кўрсаткични ўсиб бориш даври, асосан, 1990 йиллардан бошланганлигини кўриш мумкин. 1990 йилларда Францияда йилига 70000 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар асос солинганлигини кўриш мумкин[11]. Бу 1960-1970 йилларга нисбатан қарийб 4 баравар юқори эканлигини кўрсатади. Бир қатор давлатлар Конституциясига мувофиқ (Европа, АҚШ ва баъзи МДҲ давлатлари) Франция қонунчилигида ҳам жамоатчилик кенгашлари фаолиятига рухсат берилган[12]. Унга кўра давлат органлари қошида иқтисодий ва ижтимоий маслаҳат кенгашлари фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.

Дунё тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотларни дунё миқёсида ўсиш даражаси ортиб бориш жараёни охирги 30 йилликни ўз ичига олади. Бу йиллар ичида фақатгина АҚШ, Канада ёки Европа давлатларида эмас, балки Осиё, Африка, Лотин Америкасида ҳам бу ташкилотларнинг ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Индонезияда 20 йил олдин экология соҳасида атиги бир дона нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсатгич 2 мингтани ташкил этади[13].

Бангладешда 20000 мингта нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритаётганлигини ҳисобга олсак, бу ташкилотларга оҳирги 25 йил ичида асос солинганлигини кўриш мумкин. Ҳиндистонда эса деярли 1000000 дан ортиқ бундай ташкилотлар фаолият юритади. Европа

мамлакатлари орасида анча кичик ҳисобланган Словакияда эса 12000 мингдан ортиқ нодавлат ташкилотлар борлигини кўриш мумкин. Канада мисолида таҳлил қилинганда, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти анча кенг ривожланганлигини кўриш мумкин. 1987 ва 2002 йиллар оралиғида давлат рўйхатидан ўтган нодавлат ташкилотларнинг ўсиш даражаси деярли 50 % ўсганлигини кўриш мумкин. Бу таҳминан 200.000 тани ташкил этган. Бразилияда 1990 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларни ўсиш даражаси 250.000 дан 400.000 га ошганлигини кўриш мумкин. Бу деярли 60% ни ташкил этади. 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1 млндан ошганлигини кўриш мумкин[14].

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилиш жараёни Россияда нисбатан қисқа даврни ўз ичига олишига қарамасдан, бугунги кунга келиб жадаллик билан ривожланаётганлигини кўриш мумкин. 2016 йил 17 июнь ҳолатига кўра Россияда 227 минг 397 та нодавлат нотижорат ташкилотлар адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтган [15]. Россияда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлар асосан таълим соҳасида, ижтимоий соҳада, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ва маданий соҳаларни ривожлантириш мақсадида ташкил топган. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва турли даражадаги ташкилотларга ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатади.

Ривожланган Осиё давлатларидан Японияда бошқа ривожланган давлатлар қатори ўзининг фуқаролик жамияти асосларини анча олдин шакллантиришга интилди. Бунда оила ва жамоавий-ватанпарварлик руҳи ушбу ривожланишга хизмат қилади. 1970 йилларда Японияда информацион фуқаролик жамияти концепцияси шаклланди. Япон политологи Шумпей Кумоннинг фикрича, “ахборотлаштириш”, “ахборотлашган саноат”, “ахборотлашган жамият” каби тушунчалар Японияда вужудга келган [16]. Японияда инсонларни нодавлат нотижорат ташкилотлар орқали ўз юртига ва мулкига садоқатли бўлиш ва шу руҳда тарбиялаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан илғор технологияларни кенг жорий этилиши ва улардан фойдаланиш орқали давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини янада такомиллаштириш юзасидан давлат дастурлари ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бугунги кунга келиб “япон мўжизаси” деб изоҳланган ўзига хос фуқаролик жамияти барпо этиш, япон халқининг миллий урф одатлари ва аньаналарини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, ғарб давлатларини ҳам эришаётган ютуқларини миллий ментилитетга хос ўзлаштириш амалиёти билан амалга оширилади. Юқорида берилган маълумотдан Японияда бу секторнинг ривожланиши фақат аср бошидан бошланган деган фикр бермаслиги лозим. Социолог С.Б.Маркарьян ушбу масалага тўхталиб қўйидагича фикр билдиради: Агар тарихга эътибор қаратилса, Японияда 1898 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексида “Фойдасиз”, яъни фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб олмаган ташкилот тушунчаси ишлатилган [17]. Бундан кўриниб турибдики, Японияниng ўзига хос миллий қонунчилигида нодавлат сектор фаолиятига анча олдин эътибор қаратилган. Ушбу ташкилотлар иккинчи жаҳон уруши йилларидан сўнг анча оммалашганлигини кўриш мумкин.

Корея Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти асосан 1945 йилдан, яъни Япония таъсиридан холи бўлгандан сўнг оммалаша бошлади. Унга кўра турли хил ижтимоий, сиёсий, диний ва хайрия ташкилотлари фаолияти йўлга қўйила бошланди. 1990 йилларга келиб Кореяда нодавлат нотижорат ташкилотлар том маънода учинчи сектор мақомига эга бўлди. Мана шу даврдан бошлаб, давлат сиёсатини амалга оширишда ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаб келмоқда. Кореяда нодавлат секторнинг ўсиш даражасига эътибор қаратилса, 2012 йилда 10889 тани ташкил этса, 2013 йилда эса 11579 тага ўсди. Бу кўрсатгич 2014 йилга келиб 12252 тани ташкил этди [18].

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат идоралари ўртасидаги ижтимоий шерикликни етакчи хорижий мамлакатлар миқёсида таҳлил қилиш жараёнида уларни 2 турга ажратиш мумкин:

Биринчи турга Австрия, Швеция, Германия, Швецария, Япония каби давлатларни киритиш мумкин. Бу мамлакатларда ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари, қўмиталар шаклида давлатнинг иқтисодий ижтимоий дастурларида иштирок этиш кўринишида намоён бўлади.

Иккинчи тур мамлакатлари, яъни АҚШ, Буюк Британия, Канада каби мамлакатларда эса ижтимоий шериклик сиёсий жараёнларда сиёсий партиялар, уюшмаларга бирлашишда ҳам ўз аксини топади.

Дунё миқёсида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушига эътибор қаратилса, бу қўйидагича кўриниш ҳосил қилади. Нидерландияда 15,8 %, Венгрияда 2,8 %, Колумбияда 2,1 %, АҚШда 7,5 % ни ташкил қилади. Бу ташкилотларни молиявий қўллаб қувватлаш давлатлар томонидан турли кўринишларда амалга оширилади. Масалан, АҚШда 7,5%, Белгияда 76,5%, Шарқий ва Марказий Европада эса ўртача 20-40%, Нидерландияда 59,0% ни ташкил этади [19]. Бундан кўриниб турибдики, нодавлат сектор турли даражада давлат томонидан молиялаштириб келинади. Таҳлиллар шуни кўрсатиб берадики, бу ташкилотларни давлат молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши жуда катта самара беради ва мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу, албатта, нодавлат ташкилотларнинг бошқарувнинг тўлақонли аъзосига айланганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларни фикрига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти соҳаси илм-фанни ривожлантиришга, кўп миллатли давлатнинг урф одатларини сақлаб қолишга, тарихий ва маънавий меросни асрашга, тинчлик ўрнатиш ва миллатлараро конфликтларни ҳал қилишга қаратилмоқда.

- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Жаҳон амалиётида нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этиш борасида бой тажриба тўпланганки, улардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий мамлакатларда бу йўналишда кўплаб илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва амалий ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг ижобий тажриба ҳамда натижаларидан Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш амалий ва илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг дунё миқёсида турли даврларда турлича ривожланганлиги ва доим жамият манфаатлари учун ҳизмат қилиб келганлигини кўрсатади. Замонавий дунё феноменига айланган нодавлат нотижорат ташкилотлар дунё миқёсида давлат функцияларини аста-секин ўзлаштириши юз бермоқда. Шу билан бир қаторда, бу ташкилотлар жамиятдаги ижтимоий соҳани ривожланишига ва мавжуд соҳадаги муаммоларни камайтиришда давлатнинг асосий таянчига айланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу ташкилотлар давлат билан инсонлар ўртасидаги ўзаро узвийликни таъминлабгина қолмай, балки мавжуд муаммоларни бартараф этишда ўзининг оригиналлиги билан ажралиб турибди. Нодавлат нотижорат ташкилотлар маҳаллий

аҳамиятга молик вазифаларни давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳал қилиши ўз самарасини бериб келмоқда.

Албатта бунда дунё тажрибасини ўрганиш, ривожланган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида улар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш лозим ва келажакда республикадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнига эга бўлиши керак. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти институтлари хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд ҳокимиятдан мустақил бўлган ҳолда фаолият юритса ўз олдига қўйган мақсадларига эриши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. Пер.с.франц. – Москва; 2000. – С.5
2. Жалилов А, Муҳаммадиев У ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент; 2015. –Б 103.
3. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.69.
4. Борнштейн Д. Как изменить мир? Социальной предпринимательство и сила новых идей. – М: Альпина Паблишер, 2012. – С. 18.
5. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б. 53.; L.M. Salamon, “Government - Nonprofit Relations in International Perspective”, Nonprofits and Government. Collaboration and Conflict, The Urban Institute Press, WDC, 1998
6. http://otetrad.ru/article-500.html;
7. Ҳолманова Д. Ижтимоий шерикликнинг назарий-ҳуқуқий асослари./ Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент: Munis design group, 2016. –Б.76.
8. Колесников Е.И.Европейский опыт развития сектора социально ориентированных некоммерческих организаций. // Государственное и муниципальное управление. Записки ученый СКАГС, 2017.- № 2. –С.222.
9. http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/views/openlesson/download.php/?id=9879
10. Кралечкин Д. Франция: третий сектор. Структура, правовой контекст и функционирование некоммерческих организаций в современной Франции. www.russ.ru.
11. Борнштейн Д. Как изменить мир? Социальной предпринимательство и сила новых идей. – М: Альпина Паблишер, 2012. – С. 18.
12. Иззатиллаев О. Создание общественнқх советов при органах государственного управления – как один из основных механизмов дальнейшего развития социального партнерства. / Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент; 2016. –Б.4.
13. Борнштейн Д. Как изменить мир? Социальной предпринимательство и сила новых идей. – М: Альпина Паблишер, 2012. – С. 18.
14. Борнштейн Д. Как изменить мир? Социальной предпринимательство и сила новых идей. – М: Альпина Паблишер, 2012. – С. 18.
15. www.google.com/amp/tass.ru/info/671635/amp
16. Жалилов А, Муҳаммадиев У ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. - Ўқув қўлланма. Тошкент; BAKTRIA PRESS, 2015- Б 105.
17. https://cyberleninka.ru/article/v/nepribylnye-organizatsii-v-yaponii-analiz-povsednevnoy-deyatelnosti
18. http://euroasia-science.ru/sociologicheskie-nauki/rol-nekommercheskix-organizacij-v-stanovlenii grazhdanskogo obshhestva-v-respublike-koreya/
19. Жалилов А, Муҳаммадиев У ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма – Тошкент; BAKTRIA PRESS, 2015. – Б 103-107.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК 193.4(575.1)

Давлатбек ҚУДРАТОВ,
ГулДУ академик лицейи Ижтимоий фанлар кафедраси мудири
тарих фани бош ўқитувчиси
E-mail:Davlat 2334@mail.ru

т.ф.ф.д.(PhD) Алманов Қ.О тақризи асосида

ANALYSIS OF MEDIEVAL URBANIZATION PROCESSES (GENERALITY AND SPECIFICITY)

Abstract

In the article, the ancient regions of Central Asia, united under a single administration during the Kushan period, were divided into separate estates - Khorezm, Fergana, Shosh (Chirchik valley), Ilak (Angren oasis), Ustrushona (district between Jizzakh and Khojand), Sughd (upper Zarafshan), Maymurg (southern Samarkand region). -western part), Kushaniya (Kattakurgan region), Bukhara, Vardana (west of Bukhara), Kesh (Shahrisabz), Nashkhab (Karshi), Chaganiyon (Surkhandarya region), Termez and others.

Key words: Khorezm, Fergana, Shosh (Chirchik valley), Iloq (Angren oasis), Ustrushona (district between Jizzakh and Khojand), Sughd, Maymurg, Kushaniya, Bukhara, Vardana, Kesh.

АНАЛИЗ СРЕДНЕВЕКОВЫХ ПРОЦЕССОВ УРБАНИЗАЦИИ (ОБЩИЕ И СПЕЦИФИЧНОСТИ)

Аннотация

В статье древние регионы Средней Азии, объединенные под единым управлением в кушанский период, были разделены на отдельные владения – Хорезм, Фергана, Шош (Чирчикская долина), Илак (Ангренский оазис), Уструшона (район между Джизаком и Ходжандом).), Согд (верхний Зарафшан), Маймург (юг Самаркандской области). – Западная часть), Кушания (Каттакурганская область), Бухара, Вардана (запад от Бухары), Кеш (Шахрисабз), Нашхаб (Карши), Чаганиён (Сурхандарьинская область), Термез и другие.

Ключевые слова: Хорезм, Фергана, Шош (Чирчикская долина), Илок (Ангренский оазис), Уструшона (район между Джизаком и Ходжандом), Согд, Маймург, Кушания, Бухара, Вардана, Кеш.

ЎРТА АСРЛАР УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ (УМУМИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК)

Аннотация

Мақолада Кушонлар даврида ягона ҳокимлик остида бирлашган Ўрта Осиёнинг қадимги вилоятлари алоҳида мулклар-Хоразм, Фарғона, Шош (Чирчиқ водийси), Илоқ (Ангрен воҳаси), Уструшона (Жиззах ва Хўжанд орасидаги туман), Суғд (юқори Зарафшон), Маймурғ (Самарқанд вилоятининг жанубий-ғарбий қисми), Кушания (Каттақўрғон ҳудудлари), Бухоро, Вардана (Бухородан ғарбда), Кеш (Шаҳрисабз), Нашхаб (Қарши), Чағаниён (Сурхандарё вилояти), Термиз ва бошқаларга бўлиниб кетади тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Хоразм, Фарғона, Шош (Чирчиқ водийси), Илоқ (Ангрен воҳаси), Уструшона (Жиззах ва Хўжанд орасидаги туман), Суғд, Маймурғ, Кушания, Бухоро, Вардана, Кеш.

Кириш. Милодий III асрнинг ўрталаридан бошлаб асосини кўчманчи юечжи қабилалари ташкил этган қудратли Кушон салтанатининг инқирозга учрай бошлаши Юнон-Бақтрия ва Рим давлатларининг тарихий тақдирига ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг барчаси инқироз арафасида тинимсиз урушлар олиб боришга мажбур бўлганлар. Ташқи харбий босқинлардан ҳимояланиш учун ички ва ташқи сабабларга кўра заифлашган давлатларда етарли харбий куч ҳамда имконият топилмаган. Милодий IV асрга келиб Кушон подшолиги ўзининг асосий ҳудудларидан маҳрум бўлиб, бу подшоликнинг айрим мулклари Шимолий Ҳиндистондагина сақланиб қолган[1].

Кушонлар даврида ягона ҳокимлик остида бирлашган Ўрта Осиёнинг қадимги вилоятлари алоҳида мулклар-Хоразм, Фарғона, Шош (Чирчиқ водийси), Илоқ (Ангрен воҳаси), Уструшона (Жиззах ва Хўжанд орасидаги туман), Суғд (юқори Зарафшон), Маймурғ (Самарқанд вилоятининг жанубий-ғарбий қисми), Кушания (Каттақўрғон ҳудудлари), Бухоро, Вардана (Бухородан ғарбда), Кеш (Шаҳрисабз), Нашхаб (Қарши), Чағаниён (Сурхандарё вилояти), Термиз ва бошқаларга бўлиниб кетади. Беподн марв воҳаси ўз пойтахти Марв билан Сосонийлар давлати таркибига киради. Суғд ва қисман Хоразм, турклар ҳукмронлиги остига тушади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Сўнгги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида Фарғона водийсидаги илк ўрта асрлар даври шаҳарлари (Ахсикет, Поп, Андижон, Қува, ўш, Косон)нинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, шаҳарсозлик маданияти масалалари бўйича кўпгина янги маълумотлар тўпланди[2].

Поп (Баландтепа, Мунчоқтепа) Кўҳна шаҳар харобасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўҳна шаҳар маданий қатламининг иккинчи босқичи илк ўрта асрлар, яъни, V-VIII асрларга оид эканлиги аниқланган. Кўҳна шаҳар аркининг ҳозирги кунда сақланиб қолган қисмининг майдони 6 гектар. Арк мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Попнинг илк ўрта асрлар даври қалъаси бир неча вазифани бажарган: маҳаллий ҳукмдор қароргоҳи, нотинч вақтларда аҳоли учун бошпана, хавфсиз макон бўлган.

Кейинги даврларда кўҳна шаҳарнинг майдони кенгайиб, ҳозирги Поп шаҳарининг жанубий чегарасига чўзилиб ҳунармандлар шаҳарича айланади[3].

Қорадарё ҳавзаси Фарғона водийсида энг қадимги деҳқончилик маданияти шаклланган ҳудуд бўлиб, Андижон шаҳри ҳам унинг таркибида эди.Тадқиқотларга кўра, кўҳна Андижон шаклланиши ва ривожланишининг учинчи босқичи илк ўрта асрлар (V-VIII асрлар) даврига тўғри келади. Андижондаги археологик қазишмалар ва ёзма манбалар маълумотлари асосида куҳна шаҳар тарихи ҳақида қуйидаги хулосалар чиқарилган:

1.Шаҳар қадимги сой бўйида бунёд этилган.

2. Кўҳна шаҳар узоқ муддат бир жойда тарихан шаклланган.

3. Андижон ўрта асрларда шаклланган, деган фикр илмий асосланмайди.

4. Андижон Марказий Осиё билан Хитой империяси ўртасидаги савдо йўлида муҳим стратегик пункт бўлган.

5. Андижон ўз тараққиётида Ўрта Осиё шаҳарларига хос хусусиятларга ва ўзига хос хусусиятларга эга[4].

Жанубий Фарғонанинг муҳим ва қадимги шаҳарларида бири Қува ҳисобланади. Кўҳна шаҳар ривожланишининг учинчи босқичи илк ўрта асрлар билан саналанган. Бу даврда шаҳар анча кенгайиб, V-VII асрларда янги мудофа девори тикланган. Бу деворнинг қолдиқлари кўҳна шаҳар шаҳаристонининг жанубий тарафида ҳам ўрганилган. Айнан илк ўрта асрларда Қува шаҳристони деворининг ташқи томони ҳам ўзлаштирилган. Шаҳристон ташқарисида Будда ибодатхонаси топилган. Қазишмалар пайтида топилган моддий маданият буюмлари Қуванинг ҳунармандчилик ва маданий марказ бўлганлигидан далолат беради[5].

Илк ўрта асрлар даври Сурхондарё ва Термиз шаҳри Тоҳаристон деб номланган йирик тарихий-маданий вилоят таркибида эди. IV аср охиридан Тармита-Термиз вақти-вақти билан Кидарийлар, Хионийлар ва Эфталийлар давлати таркибида бўлган. VI асрнинг ўрталарига келиб Тармита-Термиз шаҳри атрофида бой деҳқонларнинг чорбоғ-қўрғонлари қад кўтаради. Шаҳарда катта қурилиш ишлари олиб борилиб, VI асрнинг иккинчи ярми – VII аср бошида шаҳар атрофида мустаҳкам мудофаа иншоотлари барпо этилади[6].

Чағаниён (арабча Сағониён) – Амударёнинг юқори ҳавзасидаги вилоят бўлиб, унинг бош шаҳри ҳам шу ном билан аталган. Чағаниён шаҳрининг маркази Термиздан 24 фарсаҳ узоқликда жойлашган. Шаҳар маркази жойлашган жой масаласида В.В.Бартольд шаҳар маркази ҳозирги Денов (Деҳи-нав-Янги қишлоқ) ўрнидалигини айтиб ўтган бўлса, тарихчи Маҳмуд ибн Вали эса, бу ҳусусда, Чағаниён ҳудуди бугунда Деҳнов номи билан машҳур, деб изоҳланган[7].

Чағаниён водийсининг жанубида, Термиз ва Чағаниён оралиғида бир неча шаҳарлар мавжуд эди. Термиздан 6 фарсах масофада жойлашган Сармонгон (Чармонгон) шаҳри ҳозирги Жарқўрғондан 5 чақирим жанубдаги кўҳна шаҳар қолдиқлари ўрнида бўлган. Сармонгондан бир кунлик йўлда аҳолиси гавжум бўлган ҳамда тўқимачилик билан машғул бўлган, бой Дарзанчи шаҳри мавжуд эди. Шаҳар ёнидан эса Сурхондарёдан бошқа бир дарё оқиб ўтган. Тадқиқотларга кўра, бу дарё ҳозирги Бандихонсой ёки Кўкжар бўлиши мумкин[8].

Термизнинг 689 йилда Мусо ибн Абдуллоҳ бошчилигидаги араблар томонидан босиб олиниши ва араб ҳалифалиги таркибига киритилиши натижасида шаҳарга янги дин ва маданият кириб келди. Қисқа давр ичида шаҳарда исломнинг мавқеи жуда мустаҳкамланди, маҳаллий аҳоли орасидан янги дин тарафдорлари кўплаб пайдо бўлди. Натижада ислом дини шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида белгиловчи бўлиб қолди[9].

Илк ўрта асрлар Термиз шаҳри харобаси ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км.ча ғарбда жойлашган бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган бир неча қисмдан иборат бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан қалъа деб аталувчи эски шаҳар қўрғони Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, 10 гектарга яқин майдонни эгаллайди. Амударё суви эски шаҳарни бевосита ювиб туради[10].

Шимолий Тоҳаристондаги илк ўрта асрларга оид маконлар воҳанинг ички алоқа йўллари бўйича Сурхондарё (Далварзинтепа, Холчаён, Термиз ва бошқ.) Кофарниҳон ҳамда Вахш дарёлари бўйлаб жойлашган. Улар ичида минтақавий аҳамиятга эга йўллар билан боғланган Термиз шаҳри катта ўрин тутади. Амударёдаги кечув бўйида жойлашган бу шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Авғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғловчи муҳим транзит йўл бўйича жойлашганлиги ҳамда Амударё сув бўйидаги муҳим бандаргоҳларга эга эканлиги билан ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради[11].

Қашқадарё воҳасининг илк ўрта аср марказий шаҳарларидан бири Кеш ҳисобланди.

Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўҳна шаҳар ва у жойлашган ҳудуд “Каш- Кашш”, “Кас-Кос”, “Кис-Кисс” шаклларида тилга олинади. Қадимги Хитой манбаларида шаҳар номи “Сушие”, “Циши”ёки “Сусе”, тарзида келтирилади. 726 йил Шу давлатини айланиб чиққан Хитой сайёҳи Сюан Цзан Кеш номини “Цзешуанна” деб қайд этади[12]. Туркий тилларнинг айрим тармоқларида Кеш сўз сув билан боғлиқ маънода қўлланиб келганлиги ҳам айтиб ўтилган.

А.Муҳаммаджонов ёзма манбаларда тилга олинган айрим жой номлари таркибида ҳам “Кеш” атамасининг турли кўринишларини ўрганиб, Касби, Косдори, Косон, Косонсой, Кошон ва ”Кеш”лексемаси ва унинг барча синомик шакллари аслида “уй” ёки “турар-жой” маъносини англатган Суғдча “кат-ката” каби сўзлардан келиб чиққанлигини, бу сўзлар “уй” ёки “хона” ибораларига нисбатан кенгроқ маънони англатиши, “кат” лексемаси нафақат “уй ” ёки “ тураржой” балки қишлоқ, мавзе ҳатто катта-кичик шаҳарлар тушунчасида ҳам ифода этилганлигини таъкидлайди[13]. Фикримизча, худди шундай “ кишвар” атамаси мамлакат, ўлка маъноларини англатишини ҳисобга оладиган бўлсак, “Кеш” топоними уй, қишлоқ, шаҳар, пойтахт, вилоят, эл-юрт, диёр, ватан каби маъноларни англатганини куўришимиз мумкин. Умумий тарзда Кеш топоними яшаш жойи маъносини билдиради.

Шаҳар 40 гектар майдонни эгаллаган ҳолда мудофаа девори ҳамда аркка эга бўлган. VI-VII асрлардан бошлаб шаҳар Кеш номини олган. Араб муаллифи ал-Йаъқубий маълумотига кўра, Кеш маълум муддат бутун Суғднинг пойтахтига айланган. Ибн Хавқал ўз асарида Кеш- куҳандиз, қалъа ва рабоддан иборат шаҳар эканлиги, рабодга бевосита яна бир шаҳар туташганлиги, ҳукумат саройи мадина ва рабоддан ташқарида, ал- мусалло номли ерда жойлашганлигини, қамоқхона ва жомеъ масжиди ички мадина харобаларида, бозорлар эса рабодда жойлашганлигини келтириш билан бирга шаҳарнинг ҳар бир томонининг узунлиги учдан бир фарсахни ташкил этгани ва бинолари пахса ва ёғочдан қурилганлигини келтириб ўтади.

Шаҳристоннинг шу кунлардаги устки топографиясини кузатиб бирон-бир фикрга келиш қийин, бу ҳолат бу ерга ташриф буюрган рус тадқиқотчилари томонидан ҳам таъкидланган[14]. Шулликтепа нафақат маҳаллий олимларни балки рус шарқшуносларини ҳам қизиқтириб келган. 1883 йилда В.В.Крестовский[15], 1885 йилда эса Б.Литвинов Шулликтепада бўлиб у шундай

тасвирлайди. “Қарши атрофида археология ва тарих учун энг қимматли бўлган хароба шулликтепа қалъаси харобаларидир. Аҳоли ҳозиргача ўз қурилишлари учун бу ердан пишиқ ғишт олиб кетади, кўплаб уйлар, Қаршининг машҳур ҳаммомлари мана шу ғиштлардан қурилган. Ҳозир ҳам Бухоро бозори Шулликтепадан қазиб топилган ажойиботлар билан тўла. Ажойиб кошинлар, ҳайкалчалар, мис идишлар, тангалар ва қабртошлар фанга кўплаб янгиликлар ва қизиқарли нарсаларни бера оладиган серғайрат инсонни кутмоқда. Мозаик кошинларга туширилган нақшлар, мис идишларга берилган тасвирлар бк ерда яшаб ўтганларнинг юксак маданиятидан ва ниҳоятда нозик дидидан далолат беради[16].

Б.Д.Кочнев томонидан олиб борилган археологик қазишма ишларининг асосий қисми қадимги Нахшаб-Насаф харобалари бўлган Шулликтепада амалга оширилди. Қазишмалар шаҳар арки,шаҳаристони ва рабодининг бир неча жойларида олиб борилди. Бу қазишмалар даврида эса Шулликтепа шаҳристонининг Қарши бош канали ювиб кетган қисмларида очиб қолган маданий қатламларни тозалаш натижасида ҳам шаҳар тарихига оид жуда қимматли маълумотлар тўпланди. Пастки маданий қатламларда III-IVасрларга асрларга мансуб айрим меморий иншоотларнинг харобалари, сопол идишларнинг парчалари учраб туради ва бу сополлар ушбу ҳудудда шаҳристон шаклланмасдан илгари мавжуд бўлган айрим кичикроқ қишлоқ харобаларига тегишли бўлиши мумкун деган хулосага асос бўлади. Мана шу кичик қишлоқлар кейинчалик Нахшаб- Насаф шаҳрининг, аниқроқ Нахшаб- Насаф шаҳристонининг шаклланишида бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас[17].

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва германевтик тахлил усуллари асосида Жиззах воҳасидаги этник жараёнлар тадқиқ этилди.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**. Илк ўрта асрлар Хоразм шаҳарларининг сони бўйича турли манбаларда турлича маълумотлар келтирилган:

Табари (712 йил) арабларнинг Хоразмни қўлга олиши хусусида гапирганда Хоразмда 3 та: Кат (Фир), Хазарасп ва Урганч шаҳарлари мавжуд деб маълумот берган.

Ал-Истаҳрий (930-933 йиллар) 13 та номдаги Хоразм шаҳарлари номлари ёзиб қолдирилган: Хоразм (Кас), Дарган, Хазарасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардаз, Нузбар, Кардаранхош, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония.

Ҳудуд ал-Олам (X асрнинг охири) муаллифи 9 та номдаги шаҳарни келтиради: Кас, Хушмисан, Нужабан, Гурганж, Кардназхас, Бадминия, Дех-и-Каратегин, Кардар, Хива.

Ал-Мақдисий (985 йилда ёзишича) 32 та Хоразм Шаҳарларини келтиради: ўнг қирғоқда-Кас, Гардман, Айхан, Арзахива, Нукфаг, Кардар, Маздакхан, Джашира, Садвар, Зардух, Баратегин, Мадкаминия; чап қирғоқда-Журжония, Нузвар, Замахшар, Рузунд, Васкаханхас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаранхас, Хазарасп, Джигирбенд, Джаз, Дарган, джит, Кичик Журжония, иккинчи Джит, Садфар, Масасан, Кардар, Андарастан. Булардан ташқари, Хоразм маршрути бўйича Шурахан, Хас, Нузкат, Дарсан, Джувикан, Амир, Барабсар, Вардара каби аҳоли пунктларини ҳам эслаб ўтади[18].

Ўрта Осиёда юз берган тарихий жараёнларнинг таҳлили истеҳкомли манзилгоҳлари, шаҳар марказлари ва қалъалари бўлган алоҳида тарихий-маданий минтақалар бўйича ўхшаш жараёнларнинг таҳлилидан таркиб топади. Бутун Ўрта Осиёда ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг тарихий ҳамда маданий ҳодисаларида муҳим ўрин тутган қадимги Хоразм ана шундай минтақалардан бири бўлган.

Дарҳақиқат, олиб борилган археологик тадқиқотлар илк ўрта асрлар Ўрта Осиёда шаҳар маданияти тараққий этганлигидан далолат беради. Жумладан, V асрда Панжикентда нисбатан қадимгироқ бўлган қишлоқ ўрнига янги шаҳар барпо этилади. Умумий майдони 18 гектар бўлган бу шаҳар VI асрнинг бошларига келиб мустаҳкам ҳимоя тартибига, ибодатхона, сарой ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб турадиган турар-жойларга эга эди. Суғд шаҳарларидан яна бири Пойкандда ҳам қизғин тадқиқот ишлари олиб борилган.

Илк ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик марказлардан (эҳтимол, пойтахт шаҳарлардан) бири Бухоро эди. Тўғри тўртбурчак шаклдаги ушбу шаҳарнинг асоси 21 гектар бўлиб, бу ерда мустаҳкам ҳимоя иншоотлари, ҳукмдор саройи, мафкуравий иншоотлар, турар-жой қолдиқлари очиб ўрганилган. Топилган моддий маданий буюмлари Бухоро илк ўрта асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Бу даврда суғориш иншоотлари такомиллашиб янги-янги ерлар ўзлаштирилади. Ўзлаштирилган ерларда, йирик суғориш иншоотлари бошида, марказий шаҳарларнинг атрофларида, деҳқончилик воҳаларининг чегараларида қўрғонлар, қасрлар ва истеҳкомлар қад кўтаради. Истеҳкомларнинг тўрт бурчаги баланд мутаҳкамланиб, девору-мўрилари бир неча қатор камондан ўқ ўзгич нишон туйнуклари ва истеҳкомлар билан таъминланган. Қалин мудофали зодагонлар қўрғонлари илк ўрта асрларнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тақозоси билан бунёд этилган бўлиб, асосан ташқи душман ҳужумига қарши мудофа иншооти, ҳарбий гарнизон тўпланадиган жой, маъмурий марказ, ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган. Умуман, калъа, қўрғон ва истеҳкомлар илк ўрта асрлар даврининг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки Морон, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар жумласидандир.

Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чақиримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарканд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори қиёмат, Бухоро воҳасидаги 336 километрли Кампирак, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истеҳком деворлари шулар жумласига киради. Бу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хоналардан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, қасрлар қурилишида хом ғишт билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам ишлатила бошланган.

-

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хуллас Минтақадаги бу давр урбанизация жараёнларининг ўзига хослиги шунда эдики, жойлашган ўрнига қараб шаҳарлар турли ижтимоий-иқтисодий-сиёсий (кейинги даврлар учун) ва албатта, маданий вазифаларни бажариб, давлатчиликнинг асосий фактори сифатида эътироф этилади. Фикримизча, шаҳарсозлик бажарган функцияларини янада чуқурроқ таҳлил этиш алоҳида мавзу ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1.Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик. Биринчи китоб. Ташкент: Янги аср авлоди. 2019. Б.163 (432).
2.Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Тарих фан.докт. дисс-си. Қўлёзма. Самарқанд. 2009. Б. 200. (407).
3.Анарбоев А.А. История археологического изучения городов Ферганы // Ош и Фергана в исторической перспективе. Вып. 3. Бишкек, 2000.с. 71-75.
4.Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижон (историко-археологические исследование). – Ташкент: Фан. 2011. С. 43-44. (174).
5.Абулгазиева Б. К изучению структуры древных городов Ферганы // ИМКУ. Вып. 34. Самарканд. 2004.с. 36-42.
6.Чағаниён тарихи. Тошкент Ислом Университети. 2020 Б. 12.
7.Ўша асар, 12 бет.
8.Пугаченково Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и кулътуры. Древностъ и средневековъе . Ташкент. Фан. 1990.с. 124-125. (220).
9.Уватов У. Буюк юрт алломалари.-Тошкент.: Ўзбекистон. 2016. Б.52.
10.Пидаев Ш.Р. Кўхна Термиз ва “Буюк ипак йўли”. //Буюк ипак йўлидаги марказий Осиё шаҳарлари. Самарқанд, 1994.-Б. 52-54.
11.Пидаев Ш.Р. Стратиграфия городища старого Термиза в свете новых раскопок //Городеская кулътура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент.: Фан. 1987.с. 93-98.
12.Отахўжаев А. Суғд конференциясида Кешнинг ўрни // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқ. конф.мат-р. Тошкент.: Фан. 2002.Б. 38.
13.Муҳаммаджонов А. Кеш-уй, яъни, Ватан демакдир. // Мозийдан садо. 2003. №2. Б. 45-47.
14.Литвинов Б. Карши. // Туркестанское ведомости. 1910. № 114-116.
15.Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен.-Т., 1973.
16.Литвинов Б. Карши. // Туркестанское ведомости. 1910. № 114-116.
17.Раимқулов А. Қашқадарё Ўрта аср шаҳарлари Қарши “Насаф”. 2018й.
18.Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши.-Тошкент, 2019. 74 б. (190).

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК.9(575.14)

Ойбек РАШИДОВ,
Бухоро давлат университети доценти
т.ф.ф.д (PhD)
E-mail: OLamgir.1982@mail.ru

ЎзМУ доценти, т.ф.д А.Ерметов тақризи асосида

THE FIGHT OF NATIONAL AND PROLETARIAN IDEOLOGIES IN THE WORK OF THE UZBEK INTELLIGENCE

Abstract

This article is devoted to the struggle between national and proletarian ideology in the work of the Uzbek intelligentsia. In Uzbekistan during the Soviet era, writers, poets, literary men, art critics and other intelligentsia were destined to serve the proletarian ideology. The ideology of the proletariat was that the national heritage created in our country over the centuries was appreciated and it should make way for a socialist culture. The article analyzes the works of Fitrat, Chulpan and Kadiri against the proletarian ideology and in the development of national literature. In particular, it should be especially noted that the Bolsheviks accused the national intelligentsia of pan-Islamism, pan-Turkism, considered members of the bourgeoisie, Chigatai and class enemies.

Key words: October coup, revolution, council, Bolshevik, party, program, ideology, proletariat, national intelligentsia, feudalism, Jadidism.

БОРЬБА НАЦИОНАЛЬНОЙ И ПРОЛЕТАРСКОЙ ИДЕОЛОГИЙ В РАБОТЕ УЗБЕКСКОЙ ИНТЕЛЕГЕНЦИИ

Аннотация

Данная статья посвящена борьбе национальной и пролетарской идеологии в работе узбекской интелегенции. В Узбекистане в советскую эпоху, писатели, поэты, литераторы, исскуствоведы и другая интелегенция были предназначены для служения пролетарской идеологии. Идеология пролетариата состояла в том, что национальное наследие, созданное в нашей стране на протяжении веков было оценено и оно должно освободить своё место для социалистической культуры. В статье проанализированы работы Фитрата, Чулпана и Кадири против пролетарской идеологии и в развитии национальной литературы. В частности, особо следует отметить, что национальную интелегенцию большевики обвиняли в панисламизме, пантюркизме, считали членами буржуазии, чигатайцами и классовыми врагами.

Ключевые слова: Октябркий переворот, революция, совет, большевик, партия, программа, идеология, пролетариат, национальная интелегенция, феодализм, джадидизм.

ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ВА ПРОЛЕТАРИАТ МАФКУРАСИ ЎРТАСИДА КУРАШ

Аннотация

Мазкур мақола ўзбек зиёлиларининг ижодида миллий ва пролетариат мафкураси ўртасидаги кураш масалаларига бағишланган. Ўзбекистонда совет бошқаруви даврида ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, олимлар ва бошқа зиёлилар ўзларининг ижодлари орқали пролетариат мафкурасига хизмат қилишлари белгиланган. Пролетариат мафкураси юртимизда асрлар давомида яратилган миллий меросни томомила инкор этиб, ўз ўрнини социалистик маданиятга бўшатиб беришни кўзда тутар эди. Мақолада зиёлилар Фитрат, Чўлпон, Қодирийларнинг пролетариат мафкурасига қарши ва миллий адабиёт борасида олиб борган ишлари таҳлил қилинган. Хусусан миллий зиёлилар большевиклар томонидан панисломист, пантуркист, тор миллатчи, буржуа вакили, чиғатойчи каби номлар билан синфий душман сифатида айбланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Октябрь тўнтарилиши, инқилоб, совет, большевик, партия, дастур, мафкура, пролетариат, миллий зиёлилар, феодализм, жадидчилик.

Кириш. Ўзбекистонда совет бошқаруви даврида ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, олимлар ва бошқа зиёлилар ўзларининг ижодлари орқали пролетариат мафкурасига хизмат қилишлари белгиланган. Пролетариат мафкураси негизида юртимизда асрлар давомида яратилган миллий мерос томомила ўз ўрнини социалистик маданиятга бўшатиб беришни кўзда тутар эди. Совет даврида ўтмишда яратилган ва ўзбек халқининг маънавий хазинасига айланган нодир асарларни ўрганиш, эски даврга қайтиш сифатида қаралиб, ушбу ижодкорлар эски зиёлилар ёки ёт фикрловчилар деб аталди.

Пролетар адабиёт ўзидан илгариги даврни диний-мистик руҳдаги адабиёт деб атади. Уни тарихнинг барча босқичларида прогрессив ғояли адабиётга қарши динни қурол қилган ҳолда фаол курашиб келганлиги қайд этилди. Совет адабиёти вакиллари бу адабиётнинг тутган йўлини таркидунёчилик, художўйлик ғояларини тарғиб қилишини таъкидлайдилар. Диний-мистик адабиёт меҳнаткаш халқ оммасидаги фаолликни бўғишга, ундаги ижтимоий курашга бўлган иродани ўлдиришга ҳаракат қилиши орқали ҳукмрон синфга хизмат қилганлигига урғу берилади. Большевиклар диний-мистик адабиётдан кейинги тарихий босқичда жадид адабиётини келтирадилар. Жадид адабиёти реакцион мафкуранинг кўриниши сифатида ўзининг ижтимоий илдизлари билан маҳаллий буржуазияга бориб тақалиши ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилган деб топилди [1].

Болшевиклар томонидан жадид адабиёти феодализм қолдиғи сифатида баҳоланди. Жадидлар мактабларида сиёсий, ижтимоий ва маданий жабҳаларда курашувчилар тайёрлаб чиқаришда ушбу адабиётнинг ўрни катта бўлганлигини такидланади. Шунингдек, “мадраса адабиёти”нинг мавқеини олиш ва унга зарба бериш мақсади бўлган “жадидлар адабиёти” Октябрь инқилоби арафасида ҳар жиҳатдан ўзини ўнглаб олганлиги қайд этилади. Бироқ, жадид адабиёти чуқур маъноли асарлар майдонга чиқара олмаганлиги, миллий сармоядорларнинг мафкураларини тарқатишга катта ташвиқотчи бўлиб ишлаганлиги ҳамда мазмун ва шакл жиҳатдан усмонли ва татар адабиётининг изидан кетишга уринганлиги келтирилади [2].

Большевиклар ўзбек адабиётини мафкуравий ва ижодий тарафдан миллий буржуазия манфаатига хизмат қиладиган “йўловчи адабиёт” деб атадилар. Совет мафкурасини ўзида ифодалаган адабиёт “ўзбек пролетариати адабиёти” деб номланди. Коммунистик партия пролетар адабиётга бетараф бўлган “йўловчи” ёзувчиларни пролетариат чизиғига ўтишлари ёки бўлмаса буржуа йўлига томон кўчишларини шарт қилиб қўйди[3]. XX асрнинг 20 йилларидаёқ миллий адабиёт намоёндалари Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек ва бошқалар айнан пролетариат мафкурасига зид ижод қиладиган ёзувчилар гуруҳига киритилган эди.

РКП (б) МКнинг 1925 йил 18 июндаги “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида”ги қарори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу қарорга кўра, пролетар манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари буржуа мафкурасининг кўринишлари деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди. 1928 йилнинг 30 апрель – 5 май кунларида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари қурултойида Россия пролетар ёзувчилар уюшмаси тузилди. Пролетар адабиётни яратишни ўзига мақсад қилиб қўйган бу ташкилотнинг бўлимлари, бошқа республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам ташкил этилди[4].

XX асрнинг 20-йиллари бошларида адабиёт ва санъат соҳасида нисбатан эркинлик мавжуд бўлган бўлсада, ҳали адабиётда бир-биридан фарқ қилувчи оқимлар яшаётган ва улар бир-биридан фарқ қилувчи ғояларни олға сураётган эдилар. Айниқса, РКП (б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнь қароридан кейин “пролетар адабиётнинг гегемонтлиги” учун кураш жуда қизғин тус олди. Бунинг оқибатида ижодда ҳар қандай эркинликка чек қўйилди. “Мафкуравий соғломлик учун”, “Ёт мафкураларга қарши кураш” шиори остида адабиётдаги ва санъатдаги ҳар бир мустақил куч ва истеъдот эгаси шафқатсиз тазйиқ остига олина бошлади. Ҳукмрон мафкура ўз ақидаларини НКВД, ГПУ орқали зўрлик билан, қурол кучи билан ўтказа бошлади [5].

Зиёлилар ижодида миллий ва пролетариат мафкураси ўртасида кураш 1929 йили кескинлашди. Бунга 1928 йили “Ўзбек адабиёти намуналари” китобининг нашр этилганлиги сабаб бўлди. “Ўзбек адабиёти намуналари” Ўзбекистон илмий кенгашининг раиси Отажон Ҳошимовнинг бевосита раҳбарлиги остида машҳур ўзбек ёзувчиси Абдурауф Фитрат томонидан тартиб қилинган. А.Фитрат ва О.Ҳошимов сўз боши ёзган ушбу китоб, ўзбек халқининг авлоддан-авлодга қолиб келаётган адабий меросини ўз ичига олган ҳамда ўзбек адабиёти ва жамият тарихининг маълум даврларини ёритишга хизмат қилган эди. Бироқ, большевиклар миллийликни ўзида акс эттирган, бой маънавий мерос ҳисобланган ушбу асарни кенг халқ оммасига етказишга қаршилик кўрсатдилар. Большевиклар талаби билан миллий адабиётдан йироқ бўлган ва пролетар адабиёт вакили саналган Ж.Бойпўлатов “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1929 йилдаги 110,111,112-сонларида “Ўзбек адабиёти намуналари” китобини ва унинг муаллифларини кескин танқид қилди. О.Ҳошимов “Чиғатой адабиётини даврини бизнинг адабиётимизнинг энг гуруллаган давридир” деб даъво қилишда айбланган бўлса, Фитрат “ўзбек пролетариат адабиётига чиғатой адабиётини асос қилиб олмоқчи” деган тана-дашномларга қолишига сабаб бўлди[6]. Ўтмиш адабиёт намуналарини ўрганиш большевиклар томонидан адабиётда эски мафкуравий руҳнинг акс эттирилиши деб баҳоланди.

Ўзбек миллий зиёлиси Фитратни коммунистик мафкура йўриғига юргизиш ва пролетар адабиёт хизматкорига айлантиришга бўлган уриниш самара бермагач, уни миллатчиликда айблаш йўлига ўтилди. Фитрат Бухоро Халқ Совет Республикаси маориф нозири лавозимида ишлаган вақтида чоп этилган “Тонг” газетаси оммани Бухоро инқилобига тайёрлаш ўрнига “Чиғатой гурунги” нашр афкорига айланганлиги ва очиқдан-очиқ миллатчилик ғояларини тарғиб қилганликда айбланган. Бухородаги инқилобдан сўнг “Чиғатой гурунги”нинг раҳбари 1921 йилнинг бошида кўзга кўринарлик эволюция (тарихий ўсиш, ўзгариш) кечирмагани, пантуркистик назариялардан воз кечмагани ҳолда ишлай бошлагани келтирилади. 1924 йил Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилиб, янги республика тузилгач Фитрат Самарқандга бориб Ўзбекистон ССР Маориф комиссарлигида ишлай бошлагани бу ердаги фаолиятида ҳам чиғатойчиликдан холи бўлмаганлиги танқид қилинади. Шунингдек, Фитрат Маориф комиссари Рамзнинг таҳрири остида чиқадиган “Маориф ва ўқитувчи” журналида чиғатойизм ғоялари доимий равишда тарғиб қилган деб топилди [7].

Большевикларнинг Фитратга қўяётган яна бир айбларидан бири Туркистонлик муҳожирлар М.Чўқай ва З.Валидийлар билан алоқа боғлаганлик ҳамда уларнинг ғоялари билан чиғатойчилик ғояларининг уйғун эканлиги бўлди. “Закий Валидов ва Чўқаевлар “бутун турк” қабилалари учун умумий адабиёт, умумий платформа тузишга интилишларини кўрамиз. Булар Истамбулда чиқарган Ёш Туркистон журналида унинг учун битта умумий ва юқори туркий тилни вужудга келтириш керак деб айтадилар. Шунингдек, биз “Чиғатой тили турк тиллари орасида унинг юксак, энг юқори, энг олий бир тил, соф чиғатой адабиёти туғдирайлик... “турклик” ғоялари бизда бор, буни ҳар ерда исбот қила оламиз деб таъкидлайдилар. Мана бундан сўнг Чўқаевлар билан бизнинг чиғатойларимиз орасида қандай фарқ қолади. Ҳошимовнинг ўзбек ва тожик алифболарини бирлаштириш тўғрисидаги чиқиши, аслида чиғатойчиларнинг пантуркистларга хос умумий “ғояси”ни юзага чиқариш йўлидаги интилишидир”[8].

XX асрнинг 20-йиллари охирларида Ўзбекистонда эркин ижоткорлар фаолияти большевиклар томонидан қаттиқ назоратга олина бошлади. Матбуотда қаттиқ цензура ўрнатилди. Илгариги миллий матбуот ўрнини коммунистик мафкурани тарғиб қилувчи газета ва журналлар эгаллади. Матбуотда билдирилган ҳар бир эркин фикр большевиклар томонидан таҳлил қилинар эди. Миллий онгни ўстиришга дават этувчи ҳар қандай мақола ёки асар большевикларнинг қаттиқ қаршилигига учрарди. Жумладан, 1926 йилнинг бошларида “Муштум” журналида Қодирийнинг “Йиғинди гаплар” номли мақоласи босилади. Мақола босилгач, Қодирий Ўзбекистон Жиноят Қонунлари мажмуасининг “раҳбар ходимларини обрўсизлантириш...” моддаси билан қораланади. Судда Қодирий ўзининг ҳақлигини исботловчи нутқни ўқиб беради. Натижада чорасиз қолган суд ҳайъати Қодирийни озод этишга мажбур бўлади [9].

Абдулла Қодирий уйига қайтгач, ҳукумат идорасига хизматга бормай, ижодга берилади. Натижада биринчи ўзбек романи “Ўтган кунлар” нашр этилди ҳамда китобхонларга манзур бўлди. Асар парчалари эълон қилинаётган пайтларда ҳам, асар тўла нашр қилингандан кейин ҳам у ҳақда матбуот саҳифаларида бирор илиқ фикр айтилмайди. Бу давр миллий адабиёт вакиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Отажон Ҳошим, Фитрат, Чўлпон ва Садриддин Айнийлар ушбу илк ўзбек ромони ҳақида бирор жиддий фикр билдирганлари маълум эмас. Бироқ, 1928 йили рус адабиёти вакили М.Шевердин ВКП (б) МК Ўрта Осиё ва Қозоғистон бюросининг “За партиб” журналида тўнғич ўзбек романи яратилганлиги, унинг китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинганлиги, асар тез тарқалиб, шуҳрат қозонганлиги ҳақида гапириб, романнинг юксак бадий қимматини тан олади ва рус тилига таржима қилиш зарур эканини айтади. Афсуски, ушбу мақоланинг асл моҳияти романни инкор этишдан иборат бўлди. Мафкура жиҳатдан роман майда буржуазия манфаатларини ифодалайдиган, феодал ўтмишни идеаллаштирадиган асар сифатида баҳоланди [10].

XX асрнинг 30-йилларида эълон қилинган қатор мақола ва китобларда биринчи галда жадидлар қораланар, кейин бу оқим Абдулла Қодирий номига боғланарди. Ж.Шарифий ва Олим Шарафиддиновлар мақолаларида жадидлар “аксилинқилобчи”, “Советларга қарши”, “Реакцион кучларни бирлаштирган”, “босмачиларга раҳнамолик қилган” деган уйдирмаларни тўқиб чиқардилар [11].

“Аксилинқилобий” адабий куч вакили сифатида большевиклар томонидан тилга олинган ўзбек зиёлиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон эди. Большевиклар Чўлпонни инқилобдан сўнг Октабрь билан онгли курашиб келган кучли ёзувчи деб атаганлар. Унинг ижоди миллий буржуа синфи манфаатини ифода этиши ва пролетариат адабиётига нисбатан ёт ғояларни тарғиб қилаётганлиги келтирилган. Аксинча, инқилоб йилларида ҳам фуқаролик уруши йилларида ҳам Чўлпон муттасил совет идораларига хизмат қилган. Шоирнинг ўзи 1927 йилда ўзбек зиёлиларининг қурултойида ёзган аризасида 1920 йилга қадар Турк Ростада ишлагани, “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Бухоро ахбори” газеталарида масъул лавозимларда хизмат қилганини ёзади. Шу йилларда эълон қилган айрим шеърлари ва мақолалари эса Чўлпон янги тузумга ижобий муносабатда бўлгани, шўро ҳукуматининг халқпарвар ва адолатпарвар сифатида кўрганини билдирган. 1920 йилда Бокуда шарқ қурултойида иштирок этганидан сўнг, унинг шеъриятида мазлум шарқ мавзуси, мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш оҳанглари кучаяди, эркни куйлаш янада теранроқ мазмун касб этади [12].

1927 йилдан бошлаб Усмон Хўжа ўз фикрдоши Мажидиддин Аҳмад билан биргаликда Истамбулда “Ени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналини чиқаради. Ушбу журналнинг биринчи сонида Усмон Хўжа “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳаввулларина умумий бир назар” номли назарий аҳамиятга молик мақоласи босилади. Мазкур мақолада Туркистон ижтимоий онги учун муҳим саналган мафкура ва адабиёт масаласи ёритилган. Усмон Хўжа мақоласида шундай сўзлар келтирилган: “Мафкура ва адабиёт бир-бирларига жону-тан нисбатиндадир. Жонсиз тан қўрқинч – скелет ўлдуғу каби мафкурасиз адабиёт-да айни ўлик ишидир”[13]. Ушбу ибора билан Усмон Хўжа мафкурасиз адабиёт бўлмаслиги, мабода адабиёт мафкурасиз бўлса, уни жонсиз тана деб атади.

Ўзбек адабиёти ҳақида танқидлар кучайганида миллий ёзувчилардан бири Боту бу ҳақида шундай фикр билдирган эди: “Ўзбек адбиётининг кечган йўлига, ҳозирги ҳолига ва истиқболига назар солмоқ тоғ-тоғ ишлар қилиш лозимлиги очиқдан очиқ кўринади. Ҳали октябрь инқилобига қадар бўлган ўзбек адабиёти текширилмагани, октябрдан бошлаб шу вақтгача қандай йўллар билан кетилгани ва бундан сўнг қандай йўллар билан кетиши кераклиги очиқ белгиланган йўқ. Мафкура жиҳатдан соғлом адабиёт бўлиши керак дейиш албатта адабиёт масаласини мажмуйини ҳал қилмайди” [14].

Большевиклар ўзбек миллий адабиёти вакилларини ўз-ўзини танқид масаласига зўр аҳамият бермаётганликда айблай бошладилар. Танқид иш нуқтаи назардан бўлиши, камчиликларга, янглишларга қарши қўйилган ва тўғри йўл кўрсатилган бўлиши кераклиги уқтирилар эди. Аммо баъзи бир танқидлар танқид қилмоқчи бўлган нарсани текширмасдан, бир томонлама маҳаллий аҳолининг минталитети билан ҳисоблашмасдан шовинистик кўринишга эга бўлди. Албатта бундай танқидларнинг фойдасидан зарари кўп бўлди. Чунки, айниқса илмий танқидлар, таҳлилни, қаноат ҳосил қилишни талаб қиларди. Ҳар бир адиб ва шоир ижод ўрнига бир-бирини танқид қилиш орқали коммунистик партия олдидаги “садоқатини” намоён қилмоқда эди.

Ўзбекистонда XX асар ўттизинчи йилларнинг бошларида филология илмининг ривожланишига имкиният туғилиб, Тил ва адабиёт институти ташкил топди. Бироқ давлат миқёсидаги мафкуравий вазият – синфий душман излаш – институтнинг бошланғич ишларининг йўналишини белгилаб берган эди. Бу – душманларга қарши курашишдан иборат эди. Ҳ.Олимжон, Уйғунлар институтнинг ходимлари сифатида Фитрат ҳақида тадқиқот олиб бордилар ва унинг миллатчилик ва пантуркистик қарашларини фош қилган бўлдилар[15].

Миллий зиёлилар, адабиётшунослар, тилшунослар ўзбек тилининг софлигини сақлаш ва унга ҳар қандай сўзларнинг кириб келишини олдини олишни мақсад қилган “сингармонизм – темир қонун” назарияси тарафдори эдилар. Ўзбек тилшунос олими Мурод Шамс 1929 йили Самарқандда бўлган тил-имло қурултойида шундай дейди: “Менимча сингармонизм сақланиши керак. Бу бизни тилимизнинг хусусиятидир. Бу имлога осонлик беради. Лекин қандай йўлда сақланиши лозим. Ўз сўзларимизда тамоман, чет сўзларда мумкин қадар истиснолар билан қабул қиламиз”[16]. Большевиклар Мурод Шамсни аксилинқилобий назария ва ғоя тарафдори сифатида қаттиқ танқид қилдилар. У ўзбек тилидаги сўзларни “ўз сўз” ва “чет сўз” деб ажратишни олға сурганликда ҳамда Сталиннинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият тўғрисидаги қарашларига, интернационализмга ва партия миллий сиёсатига қарши чиқишда айбланди. Шунингдек, Мурод Шамс Фитрат, Отажон Ҳошим, Қаюм Рамазон ва Ғози Олимларнинг “қабиҳ фикрларини” яъни “ўзига хослик назарияларини, сингармонизм – темир қонун” деган аксилинқилобий ғояларни ташиб юрган ҳамда Маркс, Энгелс, Ленин ва Сталиннинг тил тўғрисидаги қарашларига қарши бўлган деб топилдилар [17].

1937 йилнинг июль ойи ўрталарида Ўзбекистон ёзувчилар союзининг пленуми бўлади ва унда Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар қаттиқ танқид остига олинади. Энди очиқдан-очиқ миллатчи белгиси уларнинг бўйинларига илинади. Пленумда А.Қодирий нутқ сўзлайди ва “Мен “Меҳробдан чаён”ни октябрь инқилоби таъсирида ёзганман, совет ёзувчиси руҳи билан ёзганман” дейди [18]. Бундан кейин адабиёт ва санъат хусусида эълон қилинган барча мақола ва китобларда А.Қоирий ашаддий миллатчи, советларга қарши курашга бел боғлаган халқ душмани сифатида тилга олинади. Жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасида эълон

қилинган мақолада Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар ўзини қайта кура олмаган, янги тузумни қабул қилмаган ёзувчилар сифатида танқид қилинади [19].

Совет тузуми, бир томондан, ўзбек адабиётининг рус ва жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишига имконият туғдирган бўлса, иккинчи томондан, унда эрксеварлик, миллатпарварлик ва миллий тараққиёт ғояларининг куйланишига йўл бермади. 1929 йили турли баҳоналар билан уюштирилган “тозалаш” компанияларида ўзбек зиёлиларининг кўплаб вакиллари тазйиққа учради. 1937 – 1938 йилларда Сталин қатағони сиёсати юқори поғонага кўтарилгач, Ўзбекистон адабиёти ва умуман маданиятининг энг сара арбоблари йўқ қилиниб, ҳатто, уларнинг номини тарихдан ўчириб ташлаш учун барча чоралар кўрилди. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Усмон Носир, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий сингари ёзувчилар “халқ душманлари деб эълон қилинди ҳамда қатағон этилди [20].

Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик ғояларининг фаол тарғиботчиси бўлган зиёлилар ўзбек халқининг миллий уйғониши йўлида жиддий курашган эдилар. Уларнинг асарлари ва матбуотда эълон қилган мақолалари большевиклар томонидан муттасил танқид қилиб турилди. Большевикларнинг миллий зиёлиларга қарши қаратилган ҳар қандай уринишлари, уларни она Ватан озодлиги йўлидаги курашидан қайтара олмади. Ёзувчилар, зиёлилар, адабиётшунослар миллий мафкурани пролетариат мафкураси билан ўзгартирилишига қарши турдилар ва бу йўлда сезиларли ишларни амалга оширдилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Қаюмов Л. Инқилоб ва ижод. – Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт, 1964. –Б.7-8.
2. Ўзбек адабиётининг октабр инқилобидан сўнги даврига бир қараш // “Аланга” журнали. 1928 йил июл-август. 10-11-сон. 3-бет.
3. Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 28 январ.22-сон.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ,2000. -Б.395.
5. Чўлпон. Адабиёт надир (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар). – Тошкент: Чўлпон,1994.-Б.27-28.
6. Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 13 май 110-сон.
7. Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 14 май. 111-сон.
8. Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 15 май 112-сон.
9. Қодирийни қўмсаб: Ёднома. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ш.Қодирий. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1994.-Б.5.
10. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: Фан”,1992. – Б.4-5.
11. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”,1992. – Б.56.
12. Озод Шарафиддинов. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. – Тошкент: Чўлпон,1991.-Б.13-14.
13. Turkistanda Yenelik Harakatlari va ihtilaller. 1900-1924. Нашрга тайёрлаган Timur Kocaoglu. Haarlem,Netherlads,2018. -Б.232-233.
14. Боту. Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид // “Аланга” журнали. 1928 йил июл-август. 6-7-сон. 2-бет.
15. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”,1992. – Б.11.
16. Ниқобланган бир “тилчи” ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1938 йил 4 январ.3-сон.
17. Ниқобланган бир “тилчи” ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1938 йил 4 январь.3-сон.
18. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: “Фан”,1992. – Б.24-25.
19. Душманни чинаккам фош қила билиш ва хатоларни большевикларча тузатиш керак // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 27 август.
20. Ўзбекистон тарихи (1919 – 1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент:O’zbekiston,2019.-Б.255.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324

TARIX

http://science.nuu.uz/uzmu.php

Social sciences

УДК: 9(58)+070+301.33(584.4)

Равшан ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти
E-mail:ravshan.tursunov.1980@mail.ru
т.ф.н. Д.Ураков тақризи асосида

CLASSIFICATION OF ECOLOGICAL SITUATION AND WATER RESOURCES IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

Abstract

The article examines the ecological situation in the Turkestan region in the mid-nineteenth and early twentieth centuries, the role and importance of water resources: rivers, their tributaries and canals in the irrigation system. One of the main goals of the Russian Empire in colonizing Turkestan was to establish cotton monopoly in the country. To achieve this goal, the administration will first send a number of agricultural specialists to Turkestan, who were given important instructions to identify the country's water resources, undeveloped lands and ways to cultivate them. The article is based on the research of Russian naturalists on the nature of the region and its water resources.

Key words: ecology, water, water resources, irrigation system, river, stream, canal, flood, swamp.

КЛАССИФИКАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ПОЛОЖЕНИЯ И ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ТУРКЕСТАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА И В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация

В статье исследуется экологическая ситуация в Туркестанском крае в середине XIX и в начале XX веков, роль и значение водных ресурсов - рек, их притоков и каналов в оросительной системе. Одной из основных целей Российской империи при колонизации Туркестана было установление хлопковой монополии в стране. Для достижения этой цели центр сначала отправил в Туркестан ряд специалистов по сельскому хозяйству, которые получили важные инструкции по определению водных ресурсов страны, неосвоенных земель и способов их культивации. Статья основана на исследованиях российских естествоведов о природе региона и его водных ресурсах.

Ключевые слова: экология, вода, водные ресурсы, оросительная система, река, ручей, канал, наводнение, болото.

XIX АСРНИНГ 2 ЯРМИ - XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ ТАСНИФИ

Аннотация

Мақолада XIX аср ўрталари ва XX аср бошида Туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат, сув ресурслари яъни, дарёлар, уларнинг ирмоқлари ҳамда ариқларнинг суғориш тизимидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган. Россия империяси Туркистонни мустамлакага айлантиришдан кўзлаган бош мақсадларидан бири ўлкада пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш бўлган. Мазкур мақсадга эришиш учун аввало, марказ бир қатор қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи мутахассисларни Туркистонга жўнатиб, ўлкадаги сув ресурслари, ўзлаштирилмаган ерлар ҳамда уларни маданийлаштириш йўлларини аниқлаш бўйича муҳим топшириқларни беради. Мақолада асосан, рус табиатшунос олимларининг ўлка табиати, унинг сув ресурсларига оид тадқиқотлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: экология, сув, сув ресурслари, ирригация тизими, дарё, ирмоқ, сой, ариқ, канал, сув тошқини, ботқоқлик.

Кириш. Инсониятнинг ҳаёт кечиришида табиат ресурсларининг ўрни беқиёсдир. Кишилик жамиятининг барча босқичларида инсонлар табиат ресурсларига, жумладан, сув ресурсларига кучли эҳтиёж сезишган. Сув кишиларнинг ҳаёт манбаи бўлиши билан бирга халқ хўжалигини ривожланиши учун муҳим табиат инъоми ҳамдир.

XIX асрнинг 2 ярми XX аср бошида ҳам Туркистон ўлкасидаги мавжуд сув ресурслари, улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари, унинг сарфланиши, сув билан боғлиқ бўлган масалалар тарихини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Россия империяси маъмурияти аввало, Туркистон минтақасининг табиий шарт-шароитлари ва сув ресурслари билан яқиндан танишиш мақсадида табиий фанлар бўйича мутахассислар гуруҳини ўлкага юборади. Ўлка табиати ва сув манбаларини ўрганиш борасидаги Россия империясининг сайъ-ҳаракатлари Туркистонни босиб олгандан кейинги даврларда янада кучайганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Мавзуга оид манбалар ва адабиётларни ўрганиш жараёнида шуни кўриш мумкинки, ўрганилаётган давр бўйича бир қатор тадқиқотлар[1] олиб борилган бўлиб, уларда экологик муаммолар тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тарих фанида умумэътироф этилган тарихий методлар, жумладан, тарихийлик, изчиллик, мантиқий таҳлил, холислик тамойилларидан фойдаланилиб, XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон минтақасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи атрофлича ёритиб берилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўрганилаётган даврда ўлкада сиёсий мақсадларни амалга ошириш йўлида сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам юз берган. Яъни, 1865 йили Ниёзбек тарафидан Тошкентга бостириб келаётган генерал Черняевнинг қўшинга берган илк фармойишларидан бири – бу ирригация иншоотларини бузишга қаратилган эди[2]. Сиёсий мақсад йўлида Ниёзбек тўғонини бузилиши шаҳарнинг ирригация тизимини барбод бўлишига, кўплаб қишлоқ ва экин майдонларини сув босишига, қолаверса, ҳудуднинг

экологик ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Бухоро амирлигида маданий ўсимликлар етиштириладиган ерлар Амударё, унинг тармоқлари ва бошқа ирригация тизимларидан суғорилган. Амударё бўйларида суғориш ишлари сув кўтарилганда, тор йўлакли, катта-кичик ариқлар орқали амалга оширилган.

Амирликнинг ғарбий қисми дашт текисликларига бой бўлиб, Зарафшон дарёси ушбу ҳудудни сув билан таъминлаб турган. Бухоро ҳудудида Зарафшон дарёсининг улуши 214 верстни, дарёдан Бухоро тарафга қараб узунлиги 1000 верстни ташкил қиладиган 43 та ариқ қазиб чиқарилиб, улардан 24 таси дарёнинг ўнг қирғоғидан ва 18 таси чап қирғоғидан чиқарилганлиги дарёнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу ариқлардан шаҳарлар, далалар, боғу-роғларни таъминлаётган иккинчи даражали ариқлар қазиб чиқарилиб, уларнинг сони 900 тани ташкил этган[3].

Амирлик ҳудудидан ўтган, узунлиги 214 верст келадиган Зарафшон дарёси яна бир муҳим сув манбаси ҳисобланади. Зарафшон дарёсини деҳончиликнинг ривожи йўлидаги аҳамияти катта бўлганлиги боис, манбаларда бу дарё “Зар сочувчи дарё” деб аталган[4].

Нарпай – Бухоронинг энг асосий ариқларидан бири бўлиб, Каттақўрғон шаҳри яқинидан тортилган. Ҳарбий-топографик бўлимнинг маълумотларига кўра, Зарафшон сувлари Бухоронинг 340.848 десятина 800 квадрат сажен майдонига сув етказиб берган. Умуман олганда, Зарафшон суви истеъмолининг учдан бир қисми Бухоро амирлиги ҳисобига тўғри келган. Зарафшон сувлари билан суғориладиган ерлар Бухоро амирлигининг энг маданий, ҳосилдор ва аҳолиси зич қисми саналган.

Зарафшон дарёсининг асосий сувини Бухоро ўзлаштириб олганлиги боис, у Амударёгача етиб бормаган. Амударёгача 30 верстча қолганида дарё суви ботқоқ, кўлмак ва майда кўллар ёнида якунланган.

Қашқадарё Ғарбий Бухоро ҳудудидаги иккинчи ўринда турувчи дарё бўлиб, Ғузор дарёси унга келиб қуйилувчи ирмоқ ҳисобланади. Қашқадарё Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланиб, Шаҳрисабз ва Қарши бекликларидан иборат улкан воҳани суғоришга хизмат қилган. Бундан ташқари, Ҳисор тоғларининг ғарбидан бошланувчи кичик дарёлар ҳам бўлиб, улар Кармана ва Қарши оралиғида жойлашган тоғли ҳудудлар ва чўллар орасидаги кичик майдонларни сув билан таъминлаб турган[5].

Бухороликлар жуда миришкор деҳқон сифатида ерга ишлов беришни қойиллатса-ларда, сувдан мутлақо ўзбошимчалик билан фойдаланишган ва жуда катта исрофгарчиликка йўл қўйишган. Бунинг оқибатида, сув катта майдонларни эгаллаб, ботқоқликлар ҳосил қилган, безгак касалликлари тарқалган[6].

Амударё Туркистон ўлкасидаги энг йирик дарёлардан бири бўлиб, Панж ва Вахш дарёларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Амударё суви манбаси қор ва музликлар ҳисобидан шаклланиб, Сурхондарё, Кофирнихон ва Қундуз дарёлари ҳам унга келиб қуйилган[7].

Хива хонлиги тасарруфидаги ерларни суғоришда асосан, Амударё сув манбаидан фойдаланилган. 120000-150000 десятина ер майдонини эгаллаган Хива воҳаси Амударё суви билан суғорилган. Питнакдан бошлаб Амударёнинг чап қирғоғи ўзани мунтазам пастлаб бориб, босим кескин кўтарилган пайтларда сув тошқинлари кузатилган. Сув эски ариқ ва каналларга ўтиб текис майдонларни босиб олган. Шунинг эвазига воҳада кўл ва ботқоқликлар кўп бўлган. Полвон ота, Ғазовот, Шоҳобод, Қилич Ниёзбой ва бошқа ариқлар хонликнинг асосий ариқлари ҳисобланган. Уларнинг узунлиги 70 верст ва ундан ҳам узунроқ бўлган. Чуқурлиги икки саржинга ва эни 3-5 саржиндан 20 саржингача етган. Воҳанинг бутун майдони шундай ариқлар тизими билан қопланган ва улар умумий шимоли-ғарбий йўналиш бўйлаб оққан.

Текисликларда хонликнинг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган Сариқамиш ботиғи томон оқиб борадиган эски каналлар тармоғи мавжуд бўлиб, буларга Балдан, Куньядарё, Лаудан, Ўриндарё, Дарёлик, Мемгели кей ва бошқа каналлар кирган.

Хива хонлигида сув манбалари кўплиги ҳисобидан сув тошқинлари ва кучли жала қуйиши ҳолатлари кузатилган. 1854, 1862 ва 1869 йилларда тинимсиз жала қуйган, унинг суви текисликларга оққан, лекин асосий қисми Сарикамиш ботиғига бориб қуйилган[8].

Хонликда юз бериб турган сув тошқинлари мутасаддиларни жиддий эътиборини тортган. Хива хони сувдан фойдаланиш ва сув тизимини тартибга солиш масаласида рус муҳандисларини ёрдамга чақирганлигини ҳам кўриш мумкин. Жумладан, муҳандис Петровскийни хонлик сув хўжалиги бошқарувига таклиф қилган. Бунда бир қатор гидротехник ишларни амалга ошириш кўзда тутилган[9].

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб шуни кўриш мумкинки, бу даврда Бухоро амирлигининг айрим ҳудудлари сув тақчиллигидан азият чеккан бўлса, Хива хонлиги, аксинча, унинг кўплигидан безовта бўлган ва жуда катта миқдордаги сув исроф бўлган[10].

Хива хонлиги қаршисида дарёнинг бошланиш қисмини ўз ичига олган Амударё бўлими жойлашган. Амударё бўлими 9784320 десятина майдонни эгаллаган бўлиб, асосан, Амударё қирғоқларида жойлашган 65000 верст майдон суғорилган[11].

Амударё бўлимида ҳаммаси бўлиб, майда тармоқларни инобатга олмаганда, 624 та ариқ бўлиб, улардан 147 таси Чимбой вилоятига, 126 таси Қўнғирот, 15 таси Нукус, 16 таси Даукарин, 373 таси эса бошқа ҳудудларга тўғри келган[12].

Хива воҳаси ва Амударё бўлими ерларида қумликларни маданий майдонларга айлантиришнинг азалдан шаклланган усули, яъни, қумликлар тошқин пайтида Амударё сувлари билан бўктирилган, ундан ҳосил бўлган лой қатламлари бир неча йил давомида қумни зичлаб, ҳосилдор тупроққа айланган. Россия империяси томонидан ташкил этилган илмий экспедиция вакиллари ушбу маҳаллий йўл билан Амударёга хос табиий хусусиятлардан муваффақиятли фойдаланиб, Амударё бўлимининг маданий майдонларини кенгайтириш мумкинлиги ҳақида ўз ҳисоботларида маълумотлар бериб ўтадилар.

Сирдарё вилоятидаги Тошкент уезди асосий ирригация ҳудуди ҳисобланган. Тошкент уезди 40380 кв. верст ёки 4199520 десятина майдонга эга бўлиб, ундан 258000 десятина ер майдони суғорилган. Уезднинг асосий сув тармоқларини Чирчиқ ёки Чотқол, Ангрен ва Келес дарёлари ташкил этган[13].

Чирчиқ дарёси Олтойнинг баланд, қорли чўққиларидан бошланиб, юқори қисми Чотқол номи билан аталган. Дарё катта баландликдан оқиб ўтиши жараёнида йўлида ҳосилдор ер ва унумдор яйловларни ҳам юзага келтирган. Дарё тоғ ҳудудида бир неча ирмоқларга бўлиниб, қуйироққа тушгач, эса Чирчиқ номини олган. Дарёнинг катта қисми ёғингарчилик кўп бўлган баланд тоғлар бағридан ўтиши сабаб Чирчиқ сувга бой, текисликка жуда катта миқдорда сув етказиб берган. Қадим замонлардан бошлаб ундан каналлар, ариқлар тармоғи тортилган ва экин майдонларини суғоришда фойдаланилган.

Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асарида ҳам Тошкент ва унинг атрофидаги сув

ресурслари, суғориш тизимлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Асарда Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг суғориш, обод қилиш учун Чирчиқ дарёсидан бир қанча ариқлар қазилганлиги, Бўзсув ва Зах ариқлари шаҳарни сув билан таъминлайдиган асосий сув манбаси эканлиги, шунингдек, шаҳардан ўтувчи бошқа ариқлар, булоқлар ва уларнинг аҳамияти баён қилинган[14].

Чирчиқ ҳавзасининг умумий майдони 13900 верст атрофида бўлган. Искандар ариғи Чирчиқнинг тоғлардан тушаверишидан бошланадиган ва энг шимолий канали ҳисобланиб, асосан, Искандар ариғи атрофидаги далаларни суғоришга хизмат қилган.

Зах ва Бўзсув ариқлари Тошкент уездининг муҳим ариқлардан ҳисобланган. Адабиётларда ҳам Тошкент шаҳар аҳолиси асосан, Бўзсув ариғидан сув ичганлиги, ундан 12 та ариқ тармоқланганлиги[15], бу ариқдан Салор, Шивли, Қорасув, Гадрагон, Кайковуз каби суғориш тизими ўтиб, узунлиги 210 верстни ташкил этганлиги келтирилган[16].

Тошкент Чирчиқ дарёсидан келадиган сув билан Бўзсув ариғи орқали суғорилган. Чирчиқнинг бошланиши тоғларга бориб тақалади ва Бўзсув каналига қуйиладиган жойигача бир неча қишлоқлар орқали ўтиб, оқим тезлиги туфайли деярли ифлосланмайди ва қорлар эриганидан ҳосил бўладиган тоғ сувини олиб келади[17].

Уезддаги яна бир муҳим ариқлардан бири Хоним ариқ бўлиб, у Зах ариқ билан ёнма-ён оқиб, Келес дарёсигача борган. Хоним ариғининг узунлиги 60 верст бўлиб, Зах ариқдан узоқ масофа бўйлаб чўзилган ерларни суғоришда фойдаланиш манфаатсиз бўлганлиги учун унинг камчилигини айнан шу Хоним ариқ тўлдирган.

Зах ариқ энг қадимий ариқлардан бири бўлиб, узунлиги 160 верстни ташкил этган. Зах ариқ Бўзсувга бориб қуйилиб, Тошкентдан шимолда жойлашган майдонларни сув билан таъминлаган. Россия империяси ипакчилик соҳаси ташкилотчиларидан бири бўлган, биолог Н.Шавров кузатувлари жараёнида Зах ариқнинг аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: “Ново-Николаевка посёлкаси ёнидаги қизил лойли ўзанидан ўтаркан, гўзал шаршара ҳосил қилади. Бу шаршара 40000 от кучига эга бўлиб, бу кудрат эвазига жуда катта миқдорда электр энергияси олиш мумкин”[18].

Чирчиқнинг чап томонидан 22 та бош ариқлар ўтган бўлиб, уларнинг энг асосийси Қорасув ариғи ҳисобланади. Унинг узунлиги 41 верст бўлиб, сув ҳажми 100 қулочга тенг бўлган. У Ангрен дарёсига бориб қуйилган[19].

Тошкентдан қараганда, Чирчиқ дарёсининг жануби-шарқий ва жанубий-ғарбий томонда жойлашган ерлари тамомила ботқоқлик билан қопланган. Уларнинг аксарияти ҳеч қачон қуримайдиган ботқоқлар ҳисобланган. Улар камида 40 верст масофада, 1500 кв.верстдан ортиқ майдонни эгаллаган. Бу эса, ўз навбатида, Тошкент ва унинг атрофидаги ҳудудлар иқлими ва экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб келган.

Ангрен дарёси Тошкент уездининг жануби-шарқий қисмидаги Бигали тоғи булоқларидан бошланиб, Сирдарёга бориб қуйилган. Дарё уезднинг жануби-шарқий қисмидаги тоғ ён бағирларини суғорадиган бутун бошли ариқлар тармоғига бўлиниб кетади. Ангрен дарёсидан тарқайдиган ариқлар сони 40 та бўлиб, улар сониясига 1500 куб фут миқдорда сув етказиб берган. Ангрен суғориш тизими Сирдарё вилоятидаги шоли майдонларини сув билан таъминлаган[20].

Келес дарёси Олтойнинг ғарбий қияликларидан бошланиб, Тошкент кенгликларига етганида унга Зах ариғининг бир қанча тармоқларидан катта миқдорда сув қуйилган. Келес дарёси тез оқиб, майда ариқлар ҳосил қилиб катта ер майдонларини озиқлантирган. Қоплонбек қишлоғидан пастроқда Келес иккига (Сув Келес ва Қуруқ Келес) бўлиниб, Сирдарёга параллел тарзда оқади[21].

Н.Шавров Тошкент уездининг Сирдарёга ёндош ғарб қисмида сув етишмаслиги ва деярли маданийлаштирилмаган ҳудудлар мавжудлигини айтади. Муаллиф сувнинг жуда катта миқдорда исроф қилинаётгани ва ботқоқликлар юзага келишига сабаб бўлаётганини эътиборга олиб, уни тақир ерларни суғоришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлишини, Туркистон ўлкасининг аҳолиси зич жойлашган Тошкент уездида сувдан фойдаланиш жараёнларини қайта кўриб чиқиш кераклигини билдиради[22].

Н.Шавров Сирдарё вилояти сув ресурслари ва ирригация тизими бир неча юз йиллик тарихга эга эканлигини таъкидлаб, 40 йилдан ортиқ давр мобайнида суғориш тизими Россия империясидан келган гидротехниклар бошқарувида бўлишига қарамай, сув ресурслари мутлақо тартибга солинмаганлигини, аксарият ҳолатларда, ариқларнинг тақсимловчилари мавжуд эмаслигини, сув чиқиндилари тармоғи йўқлигини, каналларнинг бош қисмлари тасарруф қилинмаганлигини, хатто, ариқ ва дарёлардан ўтадиган сувнинг миқдорини назорат қилиш йўлга қўйилмаганлигини гувоҳ бўлганлигини таъкидлаб ўтади[23].

Фарғона вилояти Помир ҳудуди ҳисобга олинмаса, 8449064 десятина майдонни эгаллаган бўлиб, унинг 936767 десятинаси суғориладиган ерлар ҳисобланган. Фарғонадаги барча йирик дарё ва сойлар музликлардан оқади. Маҳаллий аҳоли бундай музлик сувларининг оқ сув деб номлаб, аксинча, ичишга яроқли бошқа сув манбаларини қора сув деб аташган. Мазкур дарё ва сойлар битмас-туганмас сув манбаи ҳисобланган. Рус табиатшуноси А.Ф.Миддендорф суғориш ва сув манбалари масалалари билан аҳоли сайлаган оқсоқоллар, яъни мироб ёки мироббошилар шуғулланганликларини ёзиб қолдирган[24].

Сирдарё вилоятдаги энг катта дарё бўлиб, водий ҳудуди бўйлаб 250 верст масофада оқиб ўтади. Уни Наманган яқинида қўшилиб оқувчи Қорадарё ва Норин дарёлари ҳосил қилган.[25].

Сирдарё дарёси Каспий денгизи сатҳидан 243 фут (0,3048 м) баландда, океан сатҳидан эса тахминан 150 фут (0,3048 м) баландда жойлашган. У Хўжанддан бошлаб ўзининг этагигача тахминан 700 та қуйилиш нуқтасига эга. Унинг оқими шиддатлилиги сув ҳажмининг кўплиги билан боғлиқ бўлиб, вақти-вақти билан сув қирғоқларидан тошиб, сув тошқинлари содир бўлиб турган[26].

Фарғона вилояти атрофи тоғлар билан ўралган водий бўлиб, унинг шимол, жануб ва шарқ томонидан бир қатор дарёлар ўтган. Шимол томондан водийга қараб Надак, Шайдан, Ашаба, Гудассу, Бобоёб, Оқтош, Сирвоқ, Қизилсув, Чодаксув, Нинқулбоши, Това, Кўксарак, Сумсоқ, Косонсой дарёлари оқади, Нориндан сўнг Мойлисув, Чарқатма, Никесой, Маси, Саидқози, Қарамас сув, Кугард, Чангет, Жиланди, Заргар, Ясси, Қоракулча ва Тор дарёлари бошланади. Буларнинг бари Қорадарё ирмоқлари ҳисобланган.

Қорадарё ва Сирдарёнинг чап томондаги тармоқлари сифатида Ирдиқ, Қуршоб, Тоғлиқ, Оқ Буйра, Аравонсув, Исфайран, Марғилонсой, Калкламан, Сўх ва Исфара дарёлари бошланади. Буларнинг ҳар бири Ўш шаҳридан ғарбгача бўлган масофада ҳаракатланувчи туркум каналларга сув берган, лекин уларнинг суви аҳоли томонидан деҳқончилик қилиш мақсадида йўл-йўлакай шунчалар кўп ўзлаштирилганки, оқибатда уларнинг суви Сирдарёгача етиб ҳам бормаган.

Ёзёвон, Гаремдон ва Қоракалтаклардан оқиб келадиган оқава сувлар асосан Тўқайли томонга оқиб, сувлар экинзорларга катта миқдорда қуйилиб, қисман эса, яқин атрофдаги қамишли ботқоқларга кириб борган. Бу ерда эса, Шахрихондан оқиб келувчи сувларга қўшилиб, сўнгра сувлар оқими Сарисувга қуйилган[27].

Фарғона вилоятининг жануби-ғарбий томонидан Исфара ва Сўх дарёлар тизими Қўқон уезднинг Исфара, Ровад, Сўх, Сариқўрғон, Алканбах, Қоракўприк ва Оққўрғон ерларини суғорган. Шимолда эса Чодак, Гава, Пангас, Косон, Пошшо ота, Чанач, Чортоқ дарёларидан чиққан ариқлар Наманган уезд майдонларига сув етказиб берган. Қорадарё ва Норин дарёларининг чап қирғоғидан сув олган Қора Кулжи, Яси, Кугарта, Майли, Избоскан каби дарёлар ва бошқа кўплаб ариқлар Андижон уездини, шарқда Оқбўйра ва Қуршоба дарё тизимлари Ўш уездини, жануб ва жануби-шарқда Шоҳимардон, Сайрам, Обшир ва Аравон сув тизимлари Марғилон ҳамда Ўш уездларини сув билан таъминлаган.

Шаҳрихонсой ва Андижонсой Фарғона вилоятининг асосий ва қадимий ирригация тизимларидан ҳисобланган. Ҳар иккала канал 10000 десятинадан ортиқ майдонга сув етказиб бериб, сув сарфи 5 куб саженгача борган[28].

Н.Шавров Фарғона вилояти аҳолиси ҳақида гапириб, аҳоли қаердан сув топса, ана шу ҳудудга ўрнашиб олишини, вилоятдан фойдаланилмаган булоқ, дарё ёки каналларни топиш амримаҳол эканлигини баён этади. Шундай қилиб, вилоятдаги сув манбаларининг аксарияти (балки ҳаммасидир) у ёки бу даражада суғоришга жалб қилинган.

Н.Шавров Фарғона вилояти харатасига қараб, Сирдарёнинг чап ва ўнг қирғоғида ҳам ўзлаштирилмаган катта майдонлар борлигини, Сирдарёнинг Мингбулоқдан вилоят чегарасигача бўлган чап қирғоғидаги ерлар мутлақо ишлатилмаётганлигини, бутун водий ҳудудининг каттагина қисмини эса ботқоқликлар эгаллаганлигини қайд этади.

Шундай қаровсиз ҳудудлар сирасига давлатга тегишли бўлган Дамкўл ва Очиқўлни (60000 десятина майдон), Бўзни (20000 десятина майдон) ҳамда Учқўрғон ва Қизилёрни (17000 десятина майдон) киритиш мумкин[29].

Самарқанд вилояти Туркистон ўлкасининг жанубий-ғарбий қисмини эгаллаган. Самарқанднинг умумий майдони 81891 квадрат верстни ташкил этган. Зарафшон, Сангзор ва Сирдарё сувларидан Самарқанднинг 81000 кв.верст майдони суғорилиб, Сирдарёнинг фақат 150 верст қисмигина Самарқанд вилоятига кирган[30]. Ушбу дарёлар иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, Зарафшон ва Сангзор сувлари деҳқончиликда кенг фойдаланилган.

Самарқанд вилояти ҳудудида Зарафшон дарёсидан 83 та суғориш каналлари чиқарилиб бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 1139 верстни ташкил этган. Бу каналлар сониясига 54 куб сажен сув етказиб, 200 минг десятинага тенг унумдор сариқ тупроқли қатламларни сув билан таъминлаш имкониятига эга бўлган. Зарафшон дарёси Туркистон, Ҳисор ва Олой тизмаларида жойлашган Зарафшон тоғ музликларидан бошланади.

Самарқанд шаҳридан Зарафшон иккига, яъни Оқдарё ва Қорадарёларга бўлиниб, иккала дарё ҳам Бухоро хонлигидаги Хатирчига етиб яна қўшилиб кетади. Зарафшон йилига 803049984 куб сажен сув бериб, ундан 371000000 куб сажен сув Самарқанд вилояти ерларини суғориш учун сарфланган[31].

Сангзор дарёси Туркистон тизмасининг шимолий қияликлари яъни, Жиззах уездидан бошланади. Сангзор аввал шимолий-ғарб томон оқиб, кейинчалик шимолий кенгликнинг 40 даражасида шимолий-шарқга кескин бурилиб, тор дара орқали Нурота тоғ тизмасини кесиб ўтади.

Сангзор сувлари Темурланг дарвозасидан ўтиб, Жиззах шаҳри ва уездидаги дала ва боғларни сув билан таъминлаган. Дарёнинг узунлиги узоғи билан 100 верст бўлиб, унинг сувлари билан 10000 минг дестинадан ортиқ сариқ тупроқли майдонлар суғорилган. Дарёнинг қолган сувлари эса Туз-кон кўлига бориб қуйилган[32].

Н.Шавровнинг Туркистон ўлкасидаги сув ресурслари ва ирригация тизими борасидаги фикрларига эътибор қаратилса, Россия империяси ҳукмронликни ўрнатгандан сўнг минтақада кўплаб ариқлар тортилганлиги, лекин уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли томонидан барпо қилинганлиги, марказнинг мухандис ва техниклари иштирокида Розенбах ва Балиқчи каналлари барпо этилганлиги, бошқа бирон-бир жиддий гидротехник иншоот деярли яратилмаганлиги, рус инженерлар жамоаси қурган барча иншоотлари ибтидоий бўлиб, сув ҳўжалигини бошқаришда арзигулик иш қилолмаганликларини кўриш мумкин.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, XIX асрнинг 2 ярми XX аср бошида Туркистон ўлкасида ҳали ўзлаштирилмаган ер майдонлари кўп бўлишига қарамай, сув танқислиги сезилиб турган. Мавжуд сув ресурслари ўлкадаги барча ҳудудларни бирдек сув билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган. Сув манбаларининг бошланғич нуқталарида сув етарли даражада бўлган бўлса, охирги нуқталарида сув танқислиги кузатилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлкадаги сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида унинг исрофига йўл қўйилганлиги, сувдан оқилона фойдаланилмаслик оқибатида кўплаб ботқоқликлар пайдо бўлганлиги, бу эса ўлкадаги экологик мувозантни бузилишига сабаб бўлиб, табиатга ва аҳоли саломатлигига жиддий муаммоларни келтириб чиқарган.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (Қадимги замонлардан ҳозиргача) – Тошкент, 1959.; Муҳаммаджонов А.Р. Зарафшон водийсининг сув хўжалиги тарихидан. – Тошкент, 1958.; Ўша муаллиф. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент, Фан. 1972. 376 б.; Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент, Фан. 1965. 183 б.; Жалилов Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. –Тошкент. 1977.; Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош давридан то XX аср бошларига қадар). –Тошкент. 2005.; Исоқов З. Фарғона водийсининг анъанавий деҳқончилик маданияти. –Тошкент. 2011. 143 б.
2. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Тошкент, 1912. – С.136.
3. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.180.
4. Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Рахматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи (Қадимги даврлардан бугунги кунгача) – Тошкент: ART FLEX, 2009. – Б. 3-4.
5. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.181.
6. Шавров Н.Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.29.

7. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Ҳ.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.108-109.
8. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.32.
9. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.33.
10. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.33.
11. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.35.
12. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.36.
13. Ўринбоев А., Бўриев О. Муҳаммад Солиҳ тавсифида (XIX асрда) – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 43-46.
14. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи. (Қадимги даврлардан бугунги кунгача) – Тошкент: “ART FLEX”, 2009. – Б. 56.
15. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2004. – Б. 31.
16. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Тошкент, 1912. – С.169.
17. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.37.
18. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Тошкент, 1912. – С.169.
19. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.38.
20. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.57.
21. Дингельштедт Н. Опыть изучеиия ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.160
22. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.40.
23. Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.43.
24. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.161, 168.
25. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.322.
26. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.15.
27. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.151.
28. Шавров Н.Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.45.
29. Шавров Н.Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. С.-Петербург. 1911. – С.47.
30. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.220.
31. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.221.
32. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.223